Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 4 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 85(7081)

Da'vat

Яхши дўст кишига улуғ ганждур.

(«Қобуснома»дан)

Ibrat

Андижон вилояти Избоскан тумани солиқ назорати бўлими (бошлиғи Абдулаҳат Юсупов) шу тумандаги 2-болалар боғчасига мунтазам оталиқ ёрдами уюштириб келади. Яқинда бу ташкилот кам таъминланган оилалар фарзандларининг 2 нафарига суннат тўйи ўтказиш билан бирга болажонларга 10 минг сўмлик ўқув қуроллари ва турли хил ўйинчоқлар ҳадя этди.

JUMLADA JAHON

• 29 октябрь куни Туркияда турк халқининг миллий байрами - Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

• Туркия халқининг миллий байрами - Республика эълон қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар вақтида Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг учрашуви бўлди.

• Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракаларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликнинг олдини олишга доир Фармонининг ижросига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси фаолларининг ҳам «Эл-юрт одатлари, анъаналари муқаддасдир» сарлавҳали мурожаатномаси матбуотда эълон қилинди.

• Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ҳамда рангли металлар парчалари ва чиқитларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

• Ироқ раҳбарияти шу йил Ироқ ҳудудида БМТ махсус комиссияси фаолиятини тўхтатишга қарор қилди.

• Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин уни даволаётган врачлар тавсиясига биноан, Сочига дам олиш учун келди.

• Ингушетия Президенти Руслан Аушев давлатнинг янги қароргоҳи узра байроқни кўтарди ва бу билан Ингушетиянинг янги пойтахти - Магас (у ингуш тилидан таржимада «Қуёш» деган маънони англатади) шаҳрини очди.

ЭНГ ҲУЗУРБАХШ САВОБ

Болалар ёдга олинса, уларнинг руҳлари шод бўлади. Бугун Ўзбекистонда ана шундай савобли ишлар бўляпти. Яқинда икки бобомизнинг муборак тўйлари нишонланганлигидан ҳам мурод шу эди... Бироқ унинг замирида бундан-да савобли ишлар туради. Аввало, шундай болаларимиз борлигидан, томиримизда уларнинг қони оқаётганлигидан ёшларни хабардор қилиш, уларда ғурурни тарбиялаш, бунинг воситасида ўзларига ишончни мустаҳкамлаш, болаларининг дунёни лол қолдирган буюк ишларига мос бўлишга, давом эттиришга даъватдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, хусусан давлатимиз Президентининг тутаётган тадбирлари ибратлидир. Шундай ишлардан бири яқинда эълон қилинган тўй-маъракаларни ўтказишдаги иллатларни бартараф этиш борасидаги фармони бўлди. Бу халқнинг кўнглидаги фармон бўлганлиги матбуотда, ўзаро суҳбатларда, оқсоқолларимиз дуосида ботбот айтилмоқда. Лекин назаримда, унинг замирида бундан-да улуғроқ маъно бор. У фақатгина бугунги авлоднинг эмас, ўтиб кетган боболарнинг кўнглидаги фикр, қолаверса, ушалмаган орзуси – армони эди. Бугун мана шу орзунинг ушалишига замин яратилди. Демак, энг улуғ савоблардан бири боболар орзусини рўёбга чиқариш билан уларнинг руҳларини шод этишдир.

Тўй бобида боболарнинг армони нималардан иборат эди? Масалан, XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида яшаган боболаримиз Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпонлар нега бадабанг тўй-маъракаларга қарши чиққанлар? Бу қаршилик моҳиятида қандай сабаблар бор эди? Биринчи сабаб, Туркистон мустамлакачилар зулмининг исканжасида эди. Ана шу исканжадан қандай қилиб халос бўлиш мумкин эди? Маърифатли, шижоатли авлод билан! Хўш бундай авлодни қандай қилиб тарбиялаш мумкин? Бундай авлодни илмий ва дунёвий фанлар ўқитиладиган янги мактабларда ўқитиб вояга етказиш мумкин. Хўш, бундай мактабларни очишга нима монелик қиларди? Маблағсизлик муаммоси монелик қиларди. Юрт мустамлакачилар томонидан таланган, оддий халқ ночор эди. Юрт бойлари, амалдорларида эса маблағ бор эди. Бироқ улар бу пулларини маишатбозлик, шуҳратпарастлик йўлида сарф этардилар. Бу икки иллатнинг моҳиятида жаҳолат турарди. Жаҳолат ботқоғига ботган оломонни мустамлакада сақлаш осон эди. Ёшлар ўқиш-ўрганишни эмас, осон йўллар билан бойишни, у бойлик билан кайф-сафо қилишни орзу қиладилар. Ахир улар кимлардан ибрат оладилар?

Боболарнинг армони ана шу эди. Улар давр бойларини, амалдорларини мактаблар очишга, халқнинг болаларини ўқитишга, уларга китоблар олиб беришга даъват этдилар.

Шукрлар бўлсинким, бугунги Ўзбекистон раҳбари ўша орзуларни рўёбга чиқариш— баркамол авлод тарбиялаш ишига маҳкам бел боғлаган. Бунцнг учун унинг бошчилигида давлатимизнинг миллий дастури ишлаб чиқилди.

Бугун у дастур ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қаранғки, таълим доимо эътиборга муҳтож бўлар экан. Тўғри бу ислоҳотларни маблағ билан таъминлашни давлат ўз зиммасига олган. Бироқ мазкур тадбирларнинг шундай жиҳатлари борки, уларда маҳаллий тадбиркорлар топади, бу жараённи ўзи кузатган саҳоватли инсон эса қилган савобли ишидан ҳузурланади.

Иккинчидан, бундай саховат ўша болаларда қандай таассурот қолдиришини тасаввур қилиб кўринг. Бу болалар ҳам ўқиб, бойишни хоҳлайдилар. Бироқ топган пулларини маишатга эмас, меҳр-мурувватга сарфлайдилар, чунки бу эътиборнинг қадрини ўз ҳаётларида ҳис этишган. Бунданда гўзал, бундан-да ибратли тарбия усули бормикан?

Учинчидан, энг асосийси бу йўлда сарфланган пуллар ўз натижасини беради. Бундан давлат манфаат топади.

Ишбилармон, бадавлат одамларнинг иштироки, кўмаги бўлмаса натижа кўнгилдагидек кечмайди. Дейлик, қайсидир хонадон болаларининг ижтимоий аҳволи ночорроқ. Бадабанг тўйга кетадиган харажатининг маълум қисмини начор оила болаларига озиқ-овқат ва китоб шаклидаги савобга сарф этса, уларни билим олишга чорласа натижа қандай бўлади? Биринчидан, бундайин эътибордан ўксик қалблар малҳам топади, бу жараённи ўзи кузатган саҳоватли инсон эса қилган савобли ишидан ҳузурланади.

Иккинчидан, бундай саховат ўша болаларда қандай таассурот қолдиришини тасаввур қилиб кўринг. Бу болалар ҳам ўқиб, бойишни хоҳлайдилар. Бироқ топган пулларини маишатга эмас, меҳр-мурувватга сарфлайдилар, чунки бу эътиборнинг қадрини ўз ҳаётларида ҳис этишган. Бунданда гўзал, бундан-да ибратли тарбия усули бормикан?

Учинчидан, энг асосийси бу йўлда сарфланган пуллар ўз натижасини беради. Бундан давлат манфаат топади.

Munosabat

Ўзбекистон Президенти бизларни бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқни енгишга чорламоқда. Тўй ва маъракаларга бўлган муносабатида ҳам шу маъно англашилади.

Қани энди тўйлардаги исрофгарчиликлар ўрнига болаларнинг ўқиши учун шароит яратилса. «Чорлар»даги ўн хил овқатнинг икки хилининг пули соғлиқни тиклашга, икки хилига кетган пул эса шу келин-куёвнинг китоб жавони учун китоб олишга сарфланса. Қани эди бешик тўйига кетадиган пулларнинг асосий қисмига она қуввати тикланса, боланинг фикрини ривожлантирадиган ўйинчоқлар олинса, келтирилаётган бешикнинг ичига сиғадиган миқдорда боланинг келгуси ҳаётида ҳамроҳ бўладиган маънавият дурдоналари—китоблар ҳадя этилса... Қани эди болаларни қўшимча ўқитиш учун ўқитувчилар ёнланса, мактаблар қурилса... Қани эди...

*Бундай одатларни жорий этиш мумкин. Қачонки юртимиздаги обрўли кишиларнинг **ҳар бири** бундай савобли ишларни **ҳар куни** бажарса улар урф-одатга айланади. Бундай урф-одатли халқнинг эса давлати қудратли бўлади.*

Ҳалим САЙИД

Ўқитувчи ёш дафтарига

КУЁШЛИ XXI АСР

Иқлимшуносларнинг фикрича, XX1 аср бошларида Ер юзидаги ўртача умумий ҳарорат ярим даражага кўтарилиши кутилади. Натижада Антарктида муз майдони бир оз қисқаради. Борди-ю, унинг музликлари бутунлай эриб кетса, ҳавонинг исиб кетиши кузатилади.

КЎПАЙГАНГА НЕ ЕТСИН

Муҳосибларнинг дарагича, Ўзбекистон аҳолиси 2037 йилда 50,9 миллион кишидан ошади ва шу даврда икки марта кўпаяди. Жаҳон аҳолиси эса ушбу муддатда 1,4 марта кўпаяркан, холос.

МУНТАЗИР РЕКОРДЛАР

Ванкувер университети (Канада)нинг математика профессори Роберт Шатц компьютер ёрдамида қатор спорт турлари бўйича келажакда ўрнатилажак рекордлар вақтини ҳисоблаб чиқди. Унинг ҳисобига қараганда, 2090 йилда югуриш бўйича қуйидаги натижаларга эришилади: 100 метрга югуриш – 9,3 сония, 400 метрга югуриш – 38 сония, 10 минг метрга – 24 дақиқа 12 сония.

УМРИ УЗОҚ БЎЛАДИ

Матбуотнинг воқиф этишича, ҳадемай АҚШ доллари йиртилмайдиган материалда зарб қилинади. Ўзининг техник кўрсаткичлари бўйича бу материал қоғоз билан пластмасса аралашмасидан иборат бўлади.

Taqdimot

БОҒЛАНИШ

Жамиятда бир-бирига боғлиқ бўлмаган соҳа йўқ. Сиёсатнинг негизида иқтисод ҳам, маънавияту маданият ҳам ётади. Бинобарин, мўлжалланган тадбирлар ҳам ана шу боғланишларни ўзида акс эттиради.

Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институтида Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари юзасидан олимлар мунозараси бўлиб ўтди.

Илм-фан давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан саналади. Анжуманга йиғилган маърифат аҳли Президентимиз асарини шу йўналиш билан боғлиқ ҳолда муҳокама қилдилар. Мана, нотиқларнинг маърузалари: «Уқув жараёнида Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли концепцияси» дан фойдаланиш усуллари», «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги», «Истиқлол даврида маънавият ва адабиёти муаммоларини тадқиқ, тарғиб этиш ва ўқитиш тамойиллари», «Коллежларда фан асосларини ўқитишнинг баъзи муаммолари», «Мустақиллик даврида талабаларни ўқитишнинг баъзи масалалари».

Институт профессор, ўқитувчилари ҳамда вилоят ўқув юртларидан ташриф буюрган педагог-олимлар фикр алмашишди. Анжуман ниҳоясида Президентимизнинг мазкур асари юзасидан ўқув-услубий йўналишдаги тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Мухбиримиз

Hay'at yig'ilishida

ЯНГИЧА ТАЪЛИМ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

Таълим соҳасида бўлаётган ислоҳотлар жадаллиги бу жараёнга замонавий воситаларни жалб этишни зарур қилиб қўймоқда. Шу боис, алмисоқдан қолган ўқув-услубий воситалар, технология бугунга келиб ярамай қолди. Янги педагогик технологиянинг асосий унсурларидан бири – компьютер барча ўқув муассасаларига кириб бормоқда. Бу ҳол бир томондан бир қанча қулайликларни яратса, иккинчи томондан бир талай муаммоларни кундаланг қўймоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг қандай ўзига хос жиҳатлари бор? Уларни бартараф этиш учун нима ишлар қилинмоқда ёки қилиниши керак, деган саволларга Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида жавоб изланди.

— **Замонавий таълим бериш тизими ҳақида гап кетганда, уни замонавий компьютерларсиз амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳам таъкидлаш ўринли,** — деди ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — **Шундай экан биринчи галда ҳозирда мавжуд компьютерлардан самарали фойдаланиш, иккинчидан, улар сонини имкон қадар кўпайтириш чорасини излашимиз лозим.**

(Давоми 2- бетда)

Yangilik

Кузнинг ҳар бир куни деҳқонлар учун ғанимат. Йил бўйи етиштирилган мўл ҳосилни кузнинг қорли-қировли кунларига қолдирмай, нест-нобудсиз йиғиб-териб олиш улар олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Ана шундай қизғин паллада Тошкент вилояти УМКҲТ бошқармасидан ҳам қувончли, ҳам қизиқарли маълумот олдик. Бошқарма бошлиги Акмал ака Йўлдошевнинг хабари бўйича муовини Бахтиёр Молдашевни суҳбатга чорладик ва ундан айни кунларда таълим масканида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб беришини илтимос қилдик.

— Мактабимизда уч йўналишда мутахассислар тайёрланади,— деди Бахтиёр ака. – Кенг ихтисослаштирилган тракторчи-машинистлар ва чилангарлар, «В» ҳамда «С» тоифали автоҳайдовчилар, тикувчи-бичувчи ва кичик бизнес ҳисобчилари шулар жумласидандир. Бугунги кунда ушбу гуруҳларда 300 га яқин йигит-қизлар таҳсил олишмоқда.

Яхши мутахассис нафақат касб-ҳунарга оид билимларни эгаллаши, балки ҳозирги бозор шароитида рақобатбардош кадр бўлиб етишиши ҳам лозим. Бу борада касблар бўйича ўқув режамизга бизнес асослари, инглиз тилида иш юритиш, тадбиркорлик ишларида психология, ҳуқуқ тизими таҳлили, банк ишлари, статистика асослари, Ўзбекистонда солиқлар ва солиқлар тизими, ҳуқуқий, бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва ЭҲМ каби янги фанларнинг киритилиши давр талабидир.

— Бу фанларни ўқитишда махсус маълумоти бор мутахассислар етарлими?

— Бору, лекин кўп эмас. Ўқитувчиларимизнинг 60 фоизидан зиёдроғи олий маълумотли. М. Қурбонова, Г. Дуйсенова, А. Саидалиева, М. Бойназаровлар яқиндагина УМКҲТ ривожлантириш институтида ана шу махсус фанлар бўйича малака ошириб келдилар. М. Исаева, А. Ҳайитбоев каби тажрибали ўқитувчиларимиз, А. Назарқулов, Б. Бектошев каби ёш мутахассис кадрларимиз ҳам бор. Келгусида ўқиш жараёнига туман ҳокимиятидаги солиқ, статистика бўлимларидан, ҳамда ОУЮларидан мутахассисларни жалб этиш ниятидамиз.

(Давоми 2-бетда)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ПАХТАЗОРДА ЎТМОҚДА

қилишича, Урта Чирчиқ тумани Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида жойлашган 8-касб-ҳунар мактаби жамоаси ибратли ташаббус билан чиқишган.Бу ерда бир гуруҳ ўқувчи ва ўқитувчилардан ташкил топган механизациялаштирилган ўқувчи-мураббийлар бригадаси тузилиб, қўшни туман далаларига йиғим-терим ишларида яқиндан ёрдам бериш учун отланганлар. Буни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида биз ҳам йўлга чиқдик.

Манзилимиз анча узоқ бўлганлиги боис, бизга ҳамроҳ бўлган 8-касб-ҳунар мактаби директорининг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича муовини Бахтиёр Молдашевни суҳбатга чорладик ва ундан айни кунларда таълим масканида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб беришини илтимос қилдик.

— Мактабимизда уч йўналишда мутахассислар тайёрланади,— деди Бахтиёр ака. – Кенг ихтисослаштирилган тракторчи-машинистлар ва чилангарлар, «В» ҳамда «С» тоифали автоҳайдовчилар, тикувчи-бичувчи ва кичик бизнес ҳисобчилари шулар жумласидандир. Бугунги кунда ушбу гуруҳларда 300 га яқин йигит-қизлар таҳсил олишмоқда.

Яхши мутахассис нафақат касб-ҳунарга оид билимларни эгаллаши, балки ҳозирги бозор шароитида рақобатбардош кадр бўлиб етишиши ҳам лозим. Бу борада касблар бўйича ўқув режамизга бизнес асослари, инглиз тилида иш юритиш, тадбиркорлик ишларида психология, ҳуқуқ тизими таҳлили, банк ишлари, статистика асослари, Ўзбекистонда солиқлар ва солиқлар тизими, ҳуқуқий, бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва ЭҲМ каби янги фанларнинг киритилиши давр талабидир.

— Бу фанларни ўқитишда махсус маълумоти бор мутахассислар етарлими?

— Бору, лекин кўп эмас. Ўқитувчиларимизнинг 60 фоизидан зиёдроғи олий маълумотли. М. Қурбонова, Г. Дуйсенова, А. Саидалиева, М. Бойназаровлар яқиндагина УМКҲТ ривожлантириш институтида ана шу махсус фанлар бўйича малака ошириб келдилар. М. Исаева, А. Ҳайитбоев каби тажрибали ўқитувчиларимиз, А. Назарқулов, Б. Бектошев каби ёш мутахассис кадрларимиз ҳам бор. Келгусида ўқиш жараёнига туман ҳокимиятидаги солиқ, статистика бўлимларидан, ҳамда ОУЮларидан мутахассисларни жалб этиш ниятидамиз.

(Давоми 2-бетда)

Obuna – 99

МЕН СИЗГА КЕРАК БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Мен ҳар куни хат гилофларида келган ғунлаб «одамлар» билан учрашаман. Уларнинг бир-бирига ўхшамаган, ранг-баранг «дард»ларига шерик бўламан. Бири менга Сурхон элларидан салом йўлласа, бири яшил Фарғонадан муждалар келтиради. Гоҳ хатгилофлар ичидаги изҳори дилларни ўқиб қувониб кетаман. Чунки уларда ўзимнинг илиқ тафтимни сезаман-да.

Демак, кимлардир менинг «Даъват»имга амал қилаяпти. «Ибрат»имдан ибратланаяпти. «Қунгил битиклари»мни ўқиб кўнглини ажиб туйғуларга ювяяпти. Ҳаётга «Муносабат»им, яхши кунлардаги «Қутлов»ларим кимларнидир хушнуд этаяпти. Мен бундан гурурланаман, фахрланаман. Ахир менинг бундан ўзга муддаом йўқ-ку!

Мен бугун яна бир қувончимни тўкиб солмоқчиман. Яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бир қарор қабул қилди. Унда айтилишича, мамлакатимизнинг ҳамма вилоятлари касаба уюшмаси қўмиталари шу йилимизнинг ва шу ойимизнинг ўн бешинчисига қадар ўз имкониларига қараб пахта йиғим-терим ишларида фаол иштирок этаётган олий ўқув юртларини, коллеж, лицей, талаба ва ходимларини менга, яъни «Маърифат»га, шунингдек қўшним «Учитель Узбекистана» ҳамда сафдошларим «Ишонч», «Ишонч-доверие» газеталарига бепул обуна қилишар экан. Бу хил ижтимоий ҳимоядан, рағбатлантиришдан бу кун барча хурсанд. Чунки ушбу тадбирлар кишиларимизни маърифатли, маънавиятли қилишдаги ҳукуматимиз ғамхўрликларининг намоён қилмоққа чоғланаяпман. Албатта, менинг ютуқларимнинг нечоғлиги сизларга ҳам боғлиқ, азиз муштарийларим! Шунинг учун бир-биримизга маслаҳатгўй бўлиб, шундай янгиланиш, улғайиш, улуғланиш замонларида дийдорлашиб турайлик!

«Маърифат»нинг деганларини ёзиб олувчи, Алишер НАЗАР

ХАБАРЛАРИ ☎ MMM

UNUTILMAS XOTIRA

Urgut shahar milliy hunarmandchilik litseyida buyuk muhaddis olim Al-Buxoriy tavalludining 1125 yilligiga bag'ishlangan adabiy kecha bo'lib o'tdi. Kechada dramaturg, filologiya fanlari nomzodi Sayyid Imomiddin Salimiyning «Imom Buxoriy» nomli 4 parda 7 ko'rinishli dramasi namoyish etildi. Dramani litsey badiiy havaskorlik to'garagi sahnalashtirdi.

Ushbu tadbirni litsey talabalari, ota-onalar va jamoatchilik ko'tarinki ruh bilan kutib olishdi. Adabiiy kechaga Urgut tumani halqaro «Oltin meros» hayriya jamg'armasi nomiylik qildi

Y. Yo'ldoshev

HALQARO OLIMLAR ANJUMANI

Samarqand shahridagi Afrosiyob mehmonxonasining majlislar zalida horijiy olimlar ishtirokida respublika ilmiy amaliy anjumani bo'lib o'tdi. O'zining noyob asarlari bilan butun dunyoga tanilgan va mashhur bo'lgan AQSH, Germaniya, Tojikiston, Ukraina, Rossiya, Qozog'iston, Janubiy Koreya, Turkiya, Turkmaniston olimlarining sermazmun ma'ruzalari, qizg'in bahslari, muloqotlari fanimiz rivoji yo'lida katta qadam bo'ldi. Konferensiyaga O'zbekiston sog'liqni saqlash vaziri Sh. Karimov raislik qildi.

E.Mahmudov

TA'LIM BARCHANING ISHI

Andijon shahridagi 33-maktabda ta'lim sohasidagi islohotlarni amalga oshirish bo'yicha amaliy tadbir bo'lib o'tdi. Maktab direktorining «Ta'lim to'g'risida»gi qonunning bajarilishi, shahar IIB voyaga yetmagan yoshlar bilan ishlash bo'limi xodimining «Amaldagi qonunlar asosida yoshlar o'rtasidagi jinoyatchlikning oldini olish » shuningdek mahalla faollari yig'ini raising «Ta'lim to'g'risidagi qonunning bajarilishida mahallaning burchi» mavzularidagi ma'ruzalari tinglandi. Ta'lim barchaning ishi rkanligini his qilayotgan jonkuyarlar yagona maqsad sari birgalikda faoliyat ko'rsatishayapti.

Sh. Keldiyev

MMM ☎ XABARLARI

ЯНГИЧА ТАЪЛИМ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

(Боши 1-бетда)

Бугун эмас, бундан бир неча йил олдин ҳам қўйилган ушбу саволни қўйиб, унга Қашқадарё вилояти мисолида жавоб изланганда аҳвол бироз ташвишланарли эканлиги маълум бўлди. Халқ таълими вазирлигининг касбга тайёрлов, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Соибжон Алиевнинг ҳисоботида бир қанча ютуқлар баробарида қуйидаги камчиликлар ҳам айтилди: вилоятда 27,3 фоиз таълим муассасалари компьютер техникаси билан жиҳозланган; «Ўзбекқуввавтоматика» Қашқадарё ихтисослашган маркази томонидан бажарилган ишлар учун ўз вақтида маблағ ўтказилмаганлиги сабабли таъмирлаш ишлари сўнгги уч йил давомида деярли олиб борилмаган, натижада кўпчилик техника носоз ҳолга келган; дарслик ва малакали ўқитувчилар етишмаслиги сабабли юқори синфларга дарс беришда қийинчиликлар мавжуд бўлиб қолмоқда; вилоят мактабларининг аксариятида дастур таъминоти етишмайди; кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш курслари ҳануз шу куннинг талаблари ва жойлардаги эҳтиёж урганилмаган ҳолда ташкил этилмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, бу камчиликларнинг асосий қисмини биргина ҳафсала ёки муносабат ҳал эта олар экан. Халқ таълими вазирлиги гуруҳининг аралашуви вилоят ҳокимлигига муаммонинг ҳал этилиши муҳимлигини етказа олганлиги мавжуд носоз компьютерларнинг тез кунларда ишга тушиб кетишига сабаб бўлганлиги фикримиз далили. Иккинчи муаммо—кадрлар масаласи эса бевосита малака ошириш институтида ҳал этиладиган муаммо эканлиги таъкидланди. Бу иш эски режага асосланган ҳолда эмас, балки ҳозирда ИҲТА фанидан дарс бераётганлар ўртасида ўтказиладиган диагностик таҳлил натижаларига асосланган ҳолда ташкил этилиши лозим, деган хулосага келинди. Қолаверса, бошқа фан ўқитувчиларининг ҳам малака ошириш курсларида компьютер саводхонлигини таъминлаш таълимнинг техник воситаларидан самарали фойдаланишнинг асосий омили эканлиги қайд этилди. Негаки ҳозирда барча фанлардан компьютер дастурлари мавжудлиги, уларни дарс жараёнида қуллаш кони фойда. Бироқ бу имкониятдан нафақат Қашқадарё вилоятида, балки қолган вилоятлар таълим муассасаларида ҳам тўлиқ фойдаланилмаётганлиги рақамлар асосида исботлаб берилди.

Шу уринда бунга жойлардаги бефарқлик биринчи сабаб бўлса, иккинчиси РТМ, «Ўзбекқуввавтоматика», республика ИҲТА ўқитувчилари ва мутахассисларининг «Истиқбол» уюшмаси ва «Пилот мактабдари» каби ушбу иш билан шуғулланаётган муассасалар фаолияти таргиби етарли бўлмаётгани, бу борада уларнинг матбуот ва оммавий-ахборот воситалари билан алоқасини кучайтириши таъкидлаб ўтилди.

Ҳайъат мажлисида Қашқадарё вилоятидаги бу камчиликлар кўпгина бошқа вилоятларда ҳам мавжудлиги айтилиб, уларни тез орада бартараф этишга ҳизмат қиладиган тадбирлар ҳайъат қарорида ўз аксини топди. Вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига вилоятларидаги бу борадаги аҳволни ўрганиб, ўз ҳайъат йиғилишлари кун тартибига қўйиш ва унда амалий тадбирларни белгилаб олиш ҳамда бу ҳақда ахборот бериш вазифаси юкланди.

Шунингдек, мажлисда Республика халқ таълими муассасаларида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик аҳволи, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва унинг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва уни яхшилаш чоралари хусусидаги масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилди.

Одатдагидан бошқачароқ ўтган ушбу ҳайъат мажлисида (унда Авлоний номидаги ХТХМОМИга келган тингловчилар, бевосита ўқувчилар билан юзма-юз бўлиб, таълимни амалга оширадиган амалиётчилар ҳам иштирок этди) яна бир нарса маълум бўлди: Ўқитувчилар вазирлик даражасида қабул қилинаётган қарорлар, тавсиялар ва шунга ўхшаш айрим меъёрий ҳужжатлардан бехабар экан. Бу биринчидан, жойлардаги раҳбарларнинг қанчалик даражада ўз вазифаларига масъулиятсизлигини англатган бўлса, иккинчидан, токи белгиланаётган тадбирлар, режалар энг сўнгги манзил — мактабга етиб бормас экан, уларнинг ижроси ҳақида гапириш ўринсиз, деган хулосага келишимизга асос бўлди.

А. РАҲИМОВ



АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ПАХТАЗОРДА ЎТМОҚДА

(Боши 1-бетда)

— Бахтиёр ака, механизациялаштирилган ўқувчи-мураббийлар бригадаси ҳақида гапириб берсангиз...

—Дарвоқе, таълим масканимизда ўз машина-трактор саройимиз, ўқув-машғулотлари утказадиган автодромимиз бор. Саройимизда 3 та комбайн, 3 та трактор ва 3 та техник ёрдам машиналари мавжуд. Бу техниканинг деярли барчаси созланган, ишлаб турибди. Ўқув хўжалигимиздаги 31 гектар ер майдонида етиштирилаётган ҳосилни йиғиб-териб олишда қўл келмоқда.

Ўқувчи-мураббийлар бригадаси хусусида гапирадиган бўлсак, дастлаб бу ғояни мактаб директори Алимбек Сотволдиев ўртага ташладилар, уни вилоят ҲМКҲТ бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев қуллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, барча транспорт воситаларимизни ишга солиб, жами 12 кишидан иборат механизациялаштирилган ўқувчи-мураббийлар бригадаси (унинг 6 нафари ўқувчи, 6 нафари ишлаб чиқариш усталаридир) қушни Пскент тумани «Туркистон» жамоа хўжалигига сафарбар қилинди...

Суҳбат билан бўлиб, манзилимизга ҳам етиб келибмиз. Дала шийпонида 2-3 ўқувчи баҳайбат «зангори кема» теварагида қуймаланишар, уларга мураббийлари бош-қош эди. 8-касб-ҳунар мактаби директори Алимбек Сотволдиев эса «Таъмирчи-96» кичик корхонаси раҳбари Абдухалил Муракаев билан таъмирга мўътож комбайн олдида суҳбатлашмоқда экан. Уларга яқин бориб танишдик.

Механизаторлар гуруҳи ўқувчилари Дилшод Утепов ва Даврон Турғунбоевлар устозлари Карим Мирзабеков ҳамда Раҳим Нигматуллаевлар билан комбайннинг ишдан чиққан қисмларини созламоқда эди.

— Дилшод биринчи кунданоқ комбайнни ўзи ҳайдаб, барчамизни лол қолдирди,— деб гап бошлади Алимбек ака. – Бу шоввозларимиз кунига бункерда 900 килограммдан 1,5-2 тоннагача пахта теришаяпти. Мана, қуриб турибсизлар, техникани созлашга ҳам ҳеч бир иккиланмасдан киришиб кетаётир.

— Мактаб техникасини доимий созланган ҳолда ҳамда ишга шай қилиб сақлашда муаммолар борми?

— Ҳамма нарсанинг ҳам ечимини топса булади. Мана бугун «Ташсельмаш» заводидан ёрдамга чилангар-созловчилар келишган. Мазкур завод билан тузилган шартнома асосида улар бизни қўшимча техник ускуналар билан ҳам таъминламоқда. Бундан ташқари кўп тармоқли «Таъмирчи-96» кичик корхонаси билан ҳам техникамизни созлаш бўйича шартнома тузганмиз.

— Алимбек ака, ўқишда ва меҳнатда фаол қатнашаётган ўқувчилар ҳамда самарали меҳнат қилаётган ўқитувчилар қандай рағбатлантирилмоқда?

— Мактабнинг махсус ҳисоб рақами бор. Унга ишлаб чиқаришдан тушган маблағлар жамланади. Мана шу махсус бригадамизнинг умумий даромади ҳам ушбу ҳисоб рақамига ўтказилади ва бунинг эвазига бригада аъзолари стипендия ва маошларидан ташқари моддий рағбатлантирилади. Жамоамизнинг энг тажрибали ўқитувчилари ҳам ойлик маошларига қўшимча ҳақни ушбу ҳисоб рақамидан олишади. Мактабимиздаги мавжуд техника учун ёқилғи, қўшимча техник асбоб-ускуналарни харид қилиш, қўшимча иморатлар, спорт зали қурилишига маблағларнинг барчаси махсус ҳисоб рақамидан ишлатилади.

— Бу даромад манбаиларини қандай топаяпсизлар?

— Ишлаш керак. «Кимки меҳнат қилгиси келса, имконият излайди. Меҳнат қилгиси келмаганлар эса, баҳона излайди». Бу ақида менинг ҳаётий шиорим айланган.

... Ҳа, раҳбар қанчалик тадбиркор, ишбилармон бўлса, унинг жамоасида давр талабларига ҳамнафас ижобий ишлар амалга оширилиши табиийдир. Биз сўз юритаётган масканда юқорида таъкидланган трактор-машина сароийдан ташқари 200 ўринли ётоқхона, 16 тадан зиёд замонавий ўқув хоналари, тикувчилик цехи, стадион ҳам бор экан. Бунга пахта даласидан қайтаётиб, йўл-йўлакай 8-касб-ҳунар мактабига кириб ўтганимизда тўлиқ амин бўлдик.

Ҳар бир ўқув хонасининг номи эшик пештоқида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чиройли қилиб ёзилган. Тажрибали педагог Маърифат Каримова мудиралик қилаётган услубиёт хонаси эса юксак дид билан безатилган. Айниқса, бу ердаги гуллар кузни қувонтиради.

—Гуллар одамларга яхши кайфият бахш этади,— дейди Маърифат опа. – Болалар билан ишлаётган ўқитувчилар учун эса бу муҳимдир.

— Мактабда педагогик матбуотга обуна қай даражада? — қизиқиб сўрадик опадан.

— Нафақат педагогик матбуотга, шунингдек 16 хил газета-журналларга обуна булаётгирмиз. Ўқитувчиларимиз учун якка тартибдаги обунани ҳам ташкил этиб, муҳтожларига мактаб маъмурияти ёрдам кўрсатмоқда...

Биз мақолага нуқта қўйишдан олдин, тадбирли тадбирлар теварагида иш юритаётган ушбу масканнинг ишлари янада ривож топажагини таъкидлаб ўтмоққа жазм қилдик. Зеро, иш билганнинг иши илдам.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири
Суратда: мактаб ҳаётидан лавҳалар
Суратларни Шавкат ЗУФАРОВ олган

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Олмониянинг янги канцлери Герҳард Шредер ушбу лавозимга сайланганидан буён биринчи хорижий сафари билан Лондонга келган экан, Олмония Ироқ буйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорларини тўла қуллаб-қувватлашини билдирган.

* * *

Ёсир Арофат ёрдамчисининг айтишича, Фаластин раҳбари янги тинчлик битимини бажаришни қолдиришга рози бўлган.

* * *

Туркияда полициянинг билдиришича, улар шимолий жангарилар томонидан бугунги Туркиянинг асосчиси Камол Отатурк мавзолейини портлатишга қаратилган фитнани ошкор этишган.

* * *

Эрон ҳарбий машқлар якунланганлигини билдирган. Хабарларга кура, ушбу Афғонистон билан чегарада ўтган машқлар Эронда ўтказилган энг катта миқёсли машқлар эди.

* * *

Шимолий Ҳиндистонда Деҳли ва бошқа шаҳарлар мулозимлари одамларни саросимада тузни катта миқдорда сотиб олишларини тўхтатишга уринишмоқда.

* * *

Никарагуада тошқинлар билан сел оқибатида 1000дан ортиқ киши ҳалок бўлганидан сўнг мамлакат Президенти Арнолдо Алиман уч кунга миллий мотам эълон этган.

Лондон,
«ВВС»
ўзбек хизмати

Tadbir

«НЕМИСЧА ГАПЛАШАМИЗ»

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети тиллар факультети томонидан ташкиллаштирилган Немис академик алмашув хизмати (ДААД) ҳамда Гёте институти ҳамкорлигида Узбекистон Республикаси университетлари ва олийгоҳларида немис тили фанини ўқитиш муаммолари: янги технология ҳамда услубиётни ўқув жараёнига татбиқ қилиш масалалари бўйича услубий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни тиллар факультетининг декани, доцент Д.Ф.Рашидова кириш сўзи билан очди. Республикамизнинг барча олийгоҳлари, яъни Узбекистон Фанлар академияси Тил маркази, Тошкент шарқшунослик, ҳуқуқшунослик, жаҳон тиллари институти, фармацевтика, педиатрия институти, Тошкент Давлат техника университети ва жами 22 та олийгоҳдан ташриф буюрган кафедра мудирлари ва немис тили ўқитувчилари ташриф буюришган эди.

Анжуманда хорижий мамлакатларда булган илмий ходимлар, аспирантлар ва ўқитувчилар Германия университетларида ўқитиш жараёни, илмий алоқалар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, тиллар факультети ўқитувчиси Одилжон Сафаров Германиянинг Берлин университетидаги таълим олишнинг қулай муҳити ҳақида гапириб берди. Немис академик алмашув хизмати (ДААД)нинг вазифалари ва режалари ҳақида Кристиана Шлоттеева хоним маъруза қилди.

Анжуман қатнашчилари турли кургазмалар, методик қулланмаларни қуздан кечиришди.

Сузга чиққанлар бугунги куннинг долзарб масаласи – хорижий тилларни, хусусан, немис тилини урганишнинг янги технологияси ҳамда услубиётини ўқув жараёнига татбиқ қилиш масалалари, янги дарсликлар, ўқув қулланмалари тузиш, Европа мамлакатлари миқёсида чет тилларни ўқитиш масалалари ҳақида фикр биддирдилар. Бу борада Тошкент Давлат университети тиллар факультетининг профессор ва ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, уларнинг бой тажрибаларидан бохабар булиш самара беради.

Шу йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида немис тили буйича муаллифлик дастурини тузиш, қўпчилик булиб дарслик яратиш ташаббуси, олийгоҳларнинг ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар факультетлари талабалари учун алоҳида немис тилини урганиш дастурини яратишга келишиб олинди.

Зарбуви АЛҚАРОВА,
журналист

Маълумки, мамлакатимиз тараққиёт сари юз тутаётган кейинги йилларда жамият ривожининг негизи бўлган таълим соҳасига эътибор алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, халқаро, нодавлат ташкилотлар ва жамғармаларнинг таълимнинг турли босқичларига оид дастурларининг ҳукуматимиз томонидан қабул қилиниб, соҳага татбиқ қилиниши ислоҳотларни мукаммаллаштиришда муҳим омил бўлаяпти. Айни пайтда республикамизда иш юритаётган СОРОС халқаро жамғармасининг Очиқ жамият институти (ОЖИ) ҳам ўз мақсад ва вазифаларига кўра, таълим ислоҳотларини, унинг равнақини қўллаб-қувватлайди. Бундан бир йил муқаддам ОЖИ Халқ таълими вазирлиги билан мактаб дастурлари бўйича ҳамкорликни бошлаган эди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида таълим жараёнини мукаммаллаштириш йўлида Халқ таълими вазирлиги билан Очиқ жамият институти ҳамкорликда кўпгина амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўтган ҳафта республика Таълим марказида ҳамкорликнинг давоми сифатида «Мактабларимизни ўзгартирамиз» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўтказилган семинарда республикамизнинг вилоят ХТБ бошлиқлари, ЎМОИ мутахассислари, мактаб ўқитувчилари, халқаро ва миллий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Ушбу семинар Очиқ жамият институтининг ўрта таълим дастурига мувофиқ ўтказилиб, асосан, умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш муаммоларига қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев иштирок этиб, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти ва унинг Ватан, миллат, жамият тараққиётидаги аҳамиятига эътиборни қаратди.

Семинар иштирокчилари ЮНЕСКО, АКСЕЛС, ТАСИС, АЙРЕКС, Қизил ярим ой, Евроосиё фонди, Марказий Осиёга бағишланган ёрдам, ЮСИС каби таълим ва тажриба алмашиш дастурига эга бўлган ташкилотлар ва жамғармаларнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятлари билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда ОЖИ томонидан таклиф қилинган чет эл олимлари билан маҳаллий мутахассислар «Ўзбекистонда таълим: кеча, бугун, эртага» мавзусини таҳлилий муҳокама қилдилар. Шунингдек, «Халқаро миқёсда таълимда қандай ўзгаришлар содир бўлаяпти ва биз нима қилишимиз лозим?», «Қисқа ва узоқ муддатли даврларда ўзгаришларни режалаштириш», «Ўзгаришлар билан қандай ишлаш керак?» каби мавзулар кенг ўрганиб чиқилди ва тегишли хулосалар ясалди.

Ф.КАРИМОВ

«МАКТАБЛАРИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАМИЗ»

МАЪРИФАТ—ИЛМ ВА ОДОБ БИРЛИГИ

Talqin

Ҳаё, номус имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.
Уялма маърифат ҳосил қилувдан,
Маорифсиз кишилар мурда дилдур.
Абдулла Авлоний.

*Ҳар бир давр, менинг назаримда, ўзининг айтадиган салмоқли сўзига эга. Бу сўз жамият ҳаётини ва жамиятнинг ўзини тубдан ўзгартирадиган асосий воқеаларни ифодалайди. XXII аср, эҳтимол, XXIII аср тарихчилари биз бошимиздан кечирган бугунги давр ҳақида фикр юритганларида икки сўзни тилга олсалар ажаб эмас: **Мустақиллик ва маърифат.***

***«Маърифат»** сўзи асли арабча булиб, билим, хабардорлик, маълумот, илм, маориф, санъат каби маъноларни англатади. **«Маъруф»** сўзи олийҳиммат, яхшилик қилувчи каби маъноларни ифодалайди. Кўриб турибмизки, бу сўз билимларнинг барча йўналишларини, яъни қуйи босқичи (хабардорлик) тортиб, юқори даражаси (илм-фан) булган босқични акс эттирали.*

*Маърифат барча даврларда ўз кўринишига эга булган. Албатта, бу тушунча ҳозиргидек маънода бўлмаса ҳам, турли даврлардаги олимлар унга тобора кўпроқ маъноларни юклатишга интилганлар. Юнонрим фалсафасида бу сўз тафаккур ва соф билим, дея ифодаланган. Гераклит тафаккурни барча эзгулик, саҳоватларнинг энг улуғи деб ҳисоблаган. Аристотель эса, билимни инсоннинг энг ширин ва яхши фаолияти, деб таърифлаган. Платоннинг: **«Мукаммал билимнинг, яъни мен эгаллаган билимнинг бирдан-бир тури мен ўзим билмаган нарсаларни билишимдир»**, — деган ибораси ҳикматли ҳақиқат булиб қолди. Бошқача айтганда, маърифатчилар билимларнинг чексизлигини тушуниб етганлар.*

Урта асрлардаги ислом илмфанида билимга бошқа цивилизациялардан кура асло тенги йўқ маъно, аҳамият бахш этганлар. Албатта, ўша даврларда маърифат тушунчаси илоҳиёт фанида катта билимдонликни, ўқимишлиликни билдирган. Шундай булса ҳам, кишиларни маърифатли қилиш ва уларни маънавий баркамол этиб тарбиялашда илоҳиётнинг таъсирига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Буюк аждодларимиз Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ўзларининг беқиёс билимлари билан умуминсоний маданиятнинг ривожланишига улкан ҳисса қушганлар. Ҳаким ат-Термизий «Китоб байан ал-илм» номли рисоласида билимни нур, ёругликка қиёслаган. Марказий Осиёдаги илоҳиёт фанида, шунингдек, араб илоҳиёт фанида «маърифат-ақл-илм-одоб» ёки «Илм-амал-одоб» тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар ҳисобланган. Бу тушунчалардан билимларнинг ҳозирги вақтдаги маъноси учун ҳам кўпгина фойдали нарсаларни олиш мумкин.

Масалан, урта асрлардаги мусулмон олами олимларининг нуқтаи назарига кура, кишининг одоби, хулқи унинг маърифати, билимлонлиги билан чамбарчас боғлиқ, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг ахлоқий хулқи шунчалик яхши ва мукаммал, яъни ахлоқ билан билим ўзаро мустаҳкам боғланган ҳолисалир.

*Бу бой маданий мерос бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бунинг исботи тариқасида Аз-Замаҳшарийнинг қуйидаги ҳикматли сўзларини келтириш ўринлидир: **Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим-ипсиз камалак ўқидир. (Аз-Замаҳшарий. Мақолалар. Қоҳира, 1335).***

Урта асрнинг яна бир олими ар-Роҳиб ал-Исфаҳонийнинг фикрича, илм, адаб юксак унвонга, олийжаноб насабга ва бойликка тенгдир. Бу учта унсурга Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам катта эътибор билан қаралган. Тўғри, Ғарбда кейинги асрларда учинчи унсур кўпроқ қадр топди. Шунга қарамасдан, маърифатни мавқега тақослаганда, билимга ниҳоятда катта баҳо берилганлиги маълум булади.

Америкалик исломшунос олим Франц Роузенталнинг қатъий фикрича, маърифат ҳақидаги ислом илоҳиёт фани қоидалари антик давридаги юнон-рим фалсафасининг илм-фан ҳақидаги қарашларига, хусусан, Платон, Аристотель, Суқрот ва бошқаларнинг қарашларига асосланади. Ғарб билан Шарқдаги билимларнинг илдизи умумий булиб, булар битта дарахтнинг шохларидир, кўзга ташланувчи тафовутлар эса, айни бир хил рангнинг ёркин ёки хира товланишларини акс эттиради. (Ф. Роузентал. «Торжество знания». М.,1978, с327).

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ҳам ўз ижодий фаолиятида, хусусан, гуманитар ва маориф соҳасидаги рисолаларини яратишда жуда кўп ғоят кенг манбаларга, санскрит манбалардан тортиб, Аристотель ва ўзига замондош булган европалик олимларнинг асарларигача булган манбаларга таянганини кўришимиз мумкин. Лекин Шарқ ва Ғарбдаги маърифат концепцияси ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Ғарбда маърифатчилик XVIII асрда яхлит оқим сифатида шаклланди, «маърифат» атамаси эса машҳур файласуф Иммануил Кантнинг «Маърифат нима?» номли мақоласидан (1784 йил) сўнг узил-кесил қарор топди. Ўша вақтдан эътиборан Ғарбнинг тарихий ва фалсафий фанида «маърифат» деганда инсон ақл-идрокининг кучига ва билимлари тантанасига чексиз ишонч даври англашиладиган бўлди.

XIX асрнинг охирида Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда замонавий маърифатчилик даври бошланди. Бу вақтда «жадидчилик» номи билан аталувчи ҳаракат ижтимоий-сиёсий ҳаёт майдонига чиқди. Жадидлар маърифатчилиги ислоҳотларнинг зарурлигини тушунчаси маърифатчиликнинг бундан олдинги бутун тарихига асосланган эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқа жадидчилик ҳаракати намоёндалари ҳам Шарқ, ҳам Ғарб файласуфларининг умуммаърифат аҳамиятига эга булган асарларига асосланиб ва таяниб иш кўрдилар.

Масалан, Беҳбудий— И. Кант асарларига, Фитрат – Шарль Сеньобос асарларига, Авлоний – Платон, Суқрот ва Аристотель асарларига мурожаат қилишни ёқтирар эдилар. Жадидлар ҳам ўз фаолиятларини маърифатчиликдан, таълим, маданият соҳасида ислоҳотлар қилишдан бошладилар, лекин бу фаолият уларни сиёсий ўзгаришлар қилишнинг зарурлигини тушунишга олиб келди. Чунки мустақилликни қўлга киритмасдан туриб, таълимни ислоҳ қилмасдан туриб, мустақил давлатни барпо этиш, маърифатни тўла қонли ривожлантириш мумкин эмас эди.

Маърифатнинг мақсади давлатнинг энг муҳим вазифалари билан уйғунлашиб кетиши лозим. Булар ўртасидаги тафовут шундан иборат эдики, жадидларнинг маърифатни миллий анъаналарга, бой меросга асосланиб, умуминсоний қадриятларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш мақсади чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига ҳам, Керенскийнинг вақтли сиёсатига ҳам асло тўғри келмас эди.

Маърифатчилик жадидлар фаолиятининг асоси эди. Улар шуни энг кичик нарсалардан, янги дарсликлар ёзиб, нашр этиш, янги усул мактаблари ташкил этишдан бошладилар. Лекин бу кейинги босқичлар учун замин булувчи куртаклар маърифатнинг оддий назариётчиси ва унинг оғзаки тарғиботчиси булиб қолмай, шу билан бирга бутун Ўрта Осиёдаги билимларни амалда тарқатишнинг яхлит бир тизимини яратган ўта ишчан инсон бўлган. У «Самарқанд» газетасини, «Ойина» журналини, ўз отаси шарафига аталган «Беҳбудий» нашриётини, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон, Самарқанд шаҳарларида китоб дуконлари шоҳобчаларини ташкил этган булиб, бу ерга бутун Шарқдан ва Ғарбдаги айрим мамлакатлардан китоблар келиб турарди. Замондошларининг гувоҳлик беришича, Самарқандда Беҳбудий томонидан очилган кутубхона узида тўпланган қимматли китобларнинг мўл-кўллиги ва библиография бойлиги жиҳатидан Туркистонда энг катта кутубхона ҳисобланган.

Бундан ташқари, Беҳбудий ёш туркистонликларни хориждаги университетларга ўз ҳисобидан ўқишга юбориш билан ҳам шуғулланган. Унинг маслакдошларидан қуплари бу ҳаракатга бош қўшишган. Улар ўз асарлари, газеталарда босилган мақолалари билан халқнинг миллий онгини уйғотишга таъсир кўрсатишган. Улар, биринчи навбатда, тараққиётни тарғиб қилиш учун ўзларининг фикрларини тарқатувчи воситаларини топдилар, ўз минбарларини ташкил этдилар – булар оммавий ахборот воситалари – ана шу мақсадларга эришиш учун қудратли восита булиб қолган газета ва журналлар эди. Улар ана шу газета ва журналлар орқали эскиликка, қолоқлик ва нодонликка қарши курашдилар. «Миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи ҳам йўқ», деб маърифатга даъват этдилар («Садои Туркистон», 1915, 64-сон).

Беҳбудий «Бизни кемиргувчи иллатлар» («Ойина»,1914, 23-сон), «Бизга ислоҳ керак» («Нажот», 1917, 18-сон) номли мақолаларида, М. Дарсаодат «Жаҳолат меваси» мақоласида («Садои Туркистон», 1914, 30-сон), А.Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобида, А.Фитрат «Ҳинд сайёҳи баёноти», «Оила» китоблари ва бошқа кўпгина асарларида одамларнинг соглиги, ортиқча маросимларнинг кераксизлигини, турмушдаги хулқ-атвор қаби энг оддий масалалардан тортиб улканинг энг мураккаб иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузилишигача булган масалаларни кўтариб чиқдилар. Ёшларга қарата қилинган мурожаатда ҳалислар ва «Қуръон»га асосланиб, дабдабали туй-ҳашамлар, салбий урф-одатлар ва ҳаддан ташқари кўп масжидлар қуришнинг кераксизлигини, маблағларни таълим, болаларни хорижда ўқитишга сарфлаш зарурлигини, мусулмонлар ўз тафаккурини ўзгартириши лозимлигини тушунтирдилар. Менимча, бу масалаларнинг қўйилиши ҳозирги муаммолар билан ҳамоҳангдир.

Дилором Алимова,
тарих фанлари доктори

(Давоми бор)

БИЗ ХАЛҚНИ МАДАНИЯТИ, МАЪНАВИЯТИ ОРҚАЛИ БИЛАМИЗ

1998—1999 ЎҚУВ ЙИЛИДА 5—11—СИНФЛАРДА «ЖАҲОН ТАРИХИ» ДАРСЛАРИНИ ЎТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

(Давоми. Боши газетанинг 19 сентябрь сонида чоп қилинган)

5-СИНФ
ИККИНЧИ БЎЛИМ
ҚАДИМГИ ШАРҚ ТАРИХИ

5-мавзу: ҚАДИМГИ МИСР (6 соат)

Бу мавзуда Қадимги Мисрнинг табиати ва аҳолиси, аҳолининг асосий машғулоти, Нил дарёси ва унинг тошқинлари, Нил водийсининг инсон меҳнати билан ўзгартирилиши, мисрликларнинг қум ва ботқоқликларга қарши кураши ҳамда мисрликларнинг асосий машғулотлари - деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо эканлиги тушунтирилади.

Шунингдек, Мисрда тенгсизликнинг ва давлатнинг вужудга келиши, мамлакатнинг фиръавнлар ҳокимияти остида бирлаштирилиши, давлатнинг бошқарилиши, Миср ҳукмдорлари юришлари, пирамидаларнинг қурилиши, улкан сфинкслар ҳақида маълумотлар берилади.

Мисрдаги аъёнларнинг турмуши, халққа солинган солиқлар ва мажбуриятлар, ҳунармандларнинг аҳволи, камбағаллар ва қуллар қўзғолонлари, эрамиздан олдинги икки минг йилликда Миср подшолигининг юксалиши, қўшинларнинг кучайиши, истилочилик юришлари ва подшоликнинг инқирозга учраши айтилади.

Қадимги Миср маданиятининг ривожланиши ва кишилик тарихидаги аҳамияти, ёзув, адабиёт, математика, астрономия, медицина, мактабларнинг пайдо бўлиши тушунтирилади.

Қадимги Мисрда дин, табиат кучларига сиғиниш, нариги дунёдаги ҳаётга ишониш, фиръавнларнинг илоҳийлаштирилиши, коҳинларнинг ҳаёти, афсоналар, «абадият уйлари», санъатнинг ривожланиши, ибодатхоналарнинг тузилиши, худоларнинг ва фиръавнларнинг тасвирланиши ҳақида билимлар берилади.

6-мавзу: ҚАДИМГИ МЕСОПОТАМИЯ (2 соат)

Бу мавзуда қадимги икки дарё (Дажла ва Фрот) оралиғининг табиати, аҳолисининг машғулотлари, икки дарё оралиғини ўрганишда археологик текширишлар ва топилмалар (миххат), Геродот, Берос асарлари, Персеполь саройи қолдиқлари, Шумер ва Аккад шаҳар-давлатлари; эрамиздан олдинги IV—III минг йилликда бу ернинг хўжалиги тушунтирилади.

7-мавзу: ҚАДИМГИ ВАВИЛОНИЯ (2 соат)

Бу мавзуда жанубий икки дарё оралиғида қулдорлик тузумининг ўрнатилиши, унга оид археологик топилмалар, Вавилон подшолигининг қудрати, эрамиздан олдинги XVIII асрда Хаммурапи қонунларининг моҳияти, давлатнинг парчаланиши, кассетлар ҳужуми, маданият ва санъат ҳақида билимлар берилади ва ҳозирги давр билан боғлаб тушунтирилади.

8-мавзу: ҚАДИМГИ ФИНИКИЯ ВА ОССУРИЯ (2 соат)

Бу мавзуда эрамиздан олдинги бир минг йилликда Олд Осиёнинг ҳаёти, темирга ишлов беришнинг бошланиши ва унинг аҳамияти, Финикиянинг ҳаёти ва денгиз сайёҳларининг машғулотлари, энг қадимги алифбонинг юзага келиши, Оссурия давлатининг қудрати (VIII-VI аср), Оссурия саройлари ва уларнинг тақдири ҳақида билимлар берилади.

6-СИНФ
ИККИНЧИ БЎЛИМ
ҚАДИМГИ РИМ

6-мавзу: РИМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ИТАЛИЯНИНГ ИСТИЛО ҚИЛИНИШИ (2 соат)

Қадимги Италиянинг табиати ва аҳолиси, энг қадимги Рим ва унда республика ўрнатилиши, Рим шаҳрининг бунёдга келиши, патрицийлар ва плебейлар, улар ўртасидаги кураш. Римда аристократлар ҳукмронлиги, қўшинларнинг аҳволи, Римнинг Италияни истило қилиши ҳақида билимлар берилади.

7-мавзу: РИМ — ЭНГ ЙИРИК ҚУЛДОРЛИК ДАВЛАТИ (4 соат)

Эрамиздан аввалги III-II асрларда Римнинг босқинчилик урушлари. Ғарбий Ўрта денгиз бўйида ҳукмронлик қилиш учун Рим билан Карфаген ўртасидаги кураш, Карфаген шаҳри ва унга қарашли ерлар, Ганнибалнинг Италияга бостириб кириши, Канна жанги, Пуни урушлари мавзулари тушунтирилади.

Римнинг эрамиздан аввалги II асрдаги истилолари, Карфагеннинг вайрон қилиниши, Сурия подшолигининг тор-мор этилиши айтилади.

Қулдорлик хўжалигининг ривожланиши, қуллар сонининг ўсиши, қулларни ишлатиш — Рим хўжалигининг асосий иш усуллари эканлиги, Гладиаторлар аҳволи, деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши ва ер олиш учун кураши, ака-ука Гракхларнинг ер ислоҳотлари ҳақида маълумотлар берилади.

Рим армиясининг ёлланма армияга айлана бориши, Спартак бошчилигида қуллар қўзғолони, қўзғолоннинг бориши, унинг мағлубиятга учраши ва аҳамияти тушунтирилади.

Такрорлаш дарсида Рим республикасининг босиб ўтган йўли умумлаштирилади ва қуллар қўзғолони ҳозирги даврга боғлаб тушунтирилади.

8—мавзу: РИМ ИМПЕРИЯСИНИНГ ҚУДРАТЛИ ДАВРИ (4 соат)

Римда лашкарбошилар ҳокимиятининг кучайиши, Юлий Цезарь фаолияти, Галлиянинг истило қилиниши, Цезарь ўлимидан кейин ҳокимият учун кураш ва Октавиан Август даврида империянинг қудрати ва унинг қулдорлик характери, I-II асрларда империя ҳаёти ва Тиберий, Нерон, Траян ҳукмронлари ҳамда Римнинг сўнгги истилолари ҳақида билимлар берилади.

Рим — империя пойтахти, Рим ҳаёти, аҳолининг турмуши, Римдаги томошалар, Қадимги Римда санъат ва фан, архитектура ва ҳайкалтарошлик, мифология ва дин, Рим адабиётининг «олтин асри», Лукреций ижоди, маориф ва мактаб, фан, антик маданиятнинг аҳамияти очиб берилади.

7—СИНФ
ИККИНЧИ БЎЛИМ
РАВНАҚ ТОПГАН ЎРТА АСРЛАР

Равнақ топган ўрта асрлар бўлимидаги мавзуларни ўтишда аввал ўқувчиларни ўша давр Европа харитаси билан таништириш, Европа давлатларида ўша даврда вужудга келган халқаро муносабатлар тизимининг қандай бошланганлигини кўрсатишни тавсия этамиз. Бу ерда халқларнинг кўпайиб бориши ва одамлар жойлашган ерларнинг кенгайиб боришини, христиан дунёсининг икки минтақага парчаланиб кетишини, «Лотин дунёси», «православ дунёси» тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш керак. Айни пайтда меҳнат қуролларининг, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг кучайиши, цех ҳунармандчилиги, товар хўжалиги, савдонинг ривожланишига эътиборни қаратиш зарур.

6-мавзу: ЕВРОПАДА ШАҲАРЛАРНИНГ ЎСИШИ (2 соат)

Бу мавзуни ёритишда ўрта асрларда шаҳарлар қандай бўлганлигини, уларнинг аҳолиси, ҳаёти ва турмушини кўрсатиш, шунингдек, бу даврда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу мавзу бўйича бошқача машғулот ўтказиш ҳам мумкин бўлиб, бунда ўқувчилар ўрта аср шаҳарларининг ҳаётини мустақил ўрганишлари ва реферат, ахборот ёки маърузалар тайёрлашлари керак бўлади. Италия, Греция, Русь шаҳарларига эътибор қаратилади. Йўл қурилиши ва транспорт алоҳида кўрсатилади.

7-мавзу: XI-XIII АСРЛАРДА ХРИСТИАН ЧЕРКОВИ. САЛБ ЮРИШЛАРИ (2 соат)

Бу мавзуни ёритишда папа ҳокимияти ва диний ҳукмдорларнинг Ғарбий Европада ўз мавқеини ошириш учун курашларини кўрсатиш, расмий христианлик ва ересликнинг моҳиятини, сўнгра эса, Рим черковларининг маркази бўлиб қолганлигини кўрсатиш, ундан кейин эса салб юришлари ва унинг моҳияти ҳақида ҳикоя қилиб бериш лозим. Салб юришларига (биринчи ва тўртинчи) асосий сабаб нима эканлигини, Исо пайғамбар ҳаётининг мазмунини, бу юришларнинг оқибати нималарга олиб келганлигини ва Амир Темурнинг салбчилар қароргоҳини тугатишдаги ролини ҳозирги давр билан боғлаб тушунтириш зарур.

8-мавзу: ҒАРБИЙ ЕВРОПАДА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ (4 соат)

Бу мавзуни ёритишда биринчи навбатда XI-XV асрларда Франция ва Англия каби давлатларнинг ривожланишини ёритиш, сўнгра Францияда бирлашувнинг бошланиши ҳамда шоҳ ҳокимиятини (XI-XIV асрлар) ўрганиш, шаҳарлар ва савдо алоқаларининг ўсишини, табақали монархия, бош штатлар, Англияда марказлашган давлатнинг ташкил топиши, парламент, юз йиллик уруш, Жакерия, Жанна д'Арк афсунгарлиги, XIV-XV асрларда Англия ва Францияда шоҳ ҳокимиятининг кучайиши каби масалаларни кўриб чиқиш лозим. Бу масалалар ўқувчиларга марказлашган давлат ташкил топиши учун тўла тасаввур бериши лозим. Уот Тайлер қўзғолонига диққатни қаратиш зарур. Бу ерда Пиреней ярим оролида (романистик) марказлашган давлатларнинг ташкил топиш жараёнини, Испания ҳукмдорлари ва черков, инквизиция ва протестантлар моҳиятини очиб бериш керак бўлади. Кейинги дарсда Марказий Европада давлатларнинг ривожланишини, герман императорларининг Ғарбий Европа ва Шарқда қўлга киритган мулклари, герман салтанати тушкунлиги ва феодал бебошликлари, Италиянинг Европа давлатлари билан ўзаро муносабатларидаги ўрни, Италиядаги шаҳар-давлатлар кўриб чиқилади ва чуқур ўрганилади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсида Европада марказлашган давлатларнинг ташкил топиши, аҳамияти (Англия, Франция, Испания). Парламентнинг роли ва Европанинг қатор мамлакатларида, жумладан, Германия, Италия, Польша ва Россияда тарқоқликнинг сақланиб қолганлиги ҳақида фикр юритилади.

9-мавзу: РУСДА ФЕОДАЛ ТАРҚОҚЛИК ВА ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР БОСҚИНИ (3 соат)

Бу мавзуни ёритишда Русдаги феодал тарқоқликнинг сабаблари, Киев Руси минтақасида қатор мустақил феодал марказларнинг, жумладан, Владимир, Новгород, Галич-Волин князликларининг ташкил топиши, XII-XIII асрларда рус ерларида феодал муносабатларнинг ривожланиши, солномаларда Русь ерларини бирлаштиришга интилишнинг акс этиши айтилади.

Русга татар-мўғулларнинг бостириб кириши, уларнинг юритган сиёсати, зулми ҳамда халқларнинг озодлик кураши, рус ва Болтиқ бўйи халқларининг немис ва швед феодалларига қарши кураши, босқинчиларнинг тор-мор келтирилиши. Русни татар-мўғуллардан озод қилишда Амир Темурнинг роли ва бунинг аҳамияти кўрсатилади.

10-мавзу: ЧЕХИЯДА ГУСЧИЛАР УРУШИ (1 соат)

Бу мавзуда Чехиянинг Муқаддас Рим империяси таркибида эканлиги, XIV асрда бу ерда хўжаликнинг юксалиши, черковнинг фаолияти, католик черковига қарши ҳаракатнинг пайдо бўлиши, бу ҳаракатда Ян Гуснинг фаолияти, гусчилар олиб борган урушлар, халқ қўшини ва Ян Жижка ҳамда гусчилар урушининг енгилиши, аҳамияти ва оқибатлари очиб берилади.

11-мавзу: УСМОНИЙЛАР САЛТАНАТИ (2 соат)

Бу мавзуда Салжуқий турк давлатининг вужудга келиши ва ривожланиши, салтанатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. Болқон давлатларининг турк истилосидан олдинги шароити ва турмуши, турк хавфининг кучайиши, Косово майдонидаги жанг (1389), салтанатнинг халқаро алоқалари, соҳибқирон Амир Темурнинг Туркияга юриши ҳамда унинг Европа учун аҳамияти, туркларнинг Константинополни (1453), Болқон ярим оролини босиб олиши, Қримнинг эгалланиши, Византиянинг қулаши, Усмоний салтанатининг вужудга келиши ва бўйсундирилган халқларнинг усмонийларга қарши кураши ва шарқий цивилизациянинг тақдири масаласи ёритиб берилади.

12-мавзу: XI-XV АСРЛАРДА ЕВРОПА МАДАНИЯТИ (2 соат)

Бу мавзуни ўрганишда маориф, фан (монастир ва черков мактаблари, университетларнинг ташкил топиши, ўрта аср кишисининг қиёфаси)нинг ривожланиши, грек-араб маданий мероси, шаҳарларнинг маданият марказларига айланиши, ўрта аср адабиёти ва унинг асосий жанрлари, китоб нашр қилишнинг кашф этилиши, архиректура, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, Италияда илк уйғониш маданиятини ёритиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврдаги Россия маданиятига ҳам эътибор берилади.

13-мавзу: ОСИЁ, АМЕРИКА ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ (5 соат)

Бу мавзуни ўрганиш жараёнида Хитойга икки соат дарсни ажратиш ва Хитойнинг ўрта асрдаги ривожланишини кўриб чиқиш, Хитой Гумбаз ости империяси, ҳокимият ҳақида тасаввур, Хитой бюрократияси, ўрта асрда Хитойнинг чет элликларга қарши кураши, олиму шоирлари, хитойликларнинг кашфиётлари, Хитойнинг Европа билан алоқаларини ёритиш лозим бўлади.

Бошқа дарсда Ҳиндистонга ажратиш ва Ҳиндистон давлатчилигининг, унинг маданиятининг ривожланишини кўриб чиқиш тавсия этилади. Бунда Ҳиндистоннинг сиёсий тарқоқлигини таъкидлаш ва босқинчилар бостириб киришларининг сабабларини кўрсатиш лозим. Бобурийларнинг Ҳиндистондаги яратувчилик фаолиятига алоҳида эътибор бериш керак.

Кейинги икки дарсни Американинг Колумбгача бўлган тараққиётига, туб аҳолисининг ижтимоий тузуми, майялар, инклар, ацтеклар маданиятига ва ўрта асрларда Африка давлатларининг ривожланиши ҳамда туб жой аҳолисининг машғулоти, ижтимоий тузуми ва маданиятига бағишлаш лозим.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсида «Равнақ топган ўрта асрлар» бўлимидаги барча материалларни умумлаштириш мамлакатлар ва минтақалар ривожланишининг нотекислигини таъкидлаб кўрсатиш, турли мамлакатларнинг сиёсий тузуми ва маданиятида рўй берган асосий ўзгаришларни тушунтириш лозим.

8-СИНФ
ИККИНЧИ БЎЛИМ
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ШАРОИТЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ

1815-1870 йилда дунёдаги етакчи мамлакатларга бағишланган мавзуни ўрганишни қуйидаги масалаларни ойдинлаштиришдан бошлаган маъқул: анъанавий жамият ва индустриал маданий дунё, Ғарбий ва Шарқий маданий дунё, Русия Шарқ ва Ғарб оралиғида, XIX аср - индустрлаштириш ва аҳолининг кўпайиш асри, жамиятнинг эволюцион ва инқилобий тараққиёти, ислоҳот ва инқилоб. XIX аср — Европада миллий муаммоларни ечиш асри.

7-мавзу: 1815-1870 ЙИЛЛАРДА АНГЛИЯ (2 соат)

Бу даврда Англиянинг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, ушбу масалаларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз: иқтисодий ривожланиш, саноат тўнтаришининг ниҳоясига етказилиши ва индустрлаштиришнинг бошланиши, бозор иқтисодининг ўзини-ўзи тартибга солиб туриши ва ортиқча ишлаб чиқаришнинг инқирози, корхоналарнинг йириклашуви, Англия — «Дунё устахонаси», аср боши ва ўртасида халқнинг аҳволи, Англиянинг сиёсий ўсиши, малика Виктория даври, Британия мустамлакачилик исмперияси, икки партиявийлик тизими ва унинг жамиятдаги ўрни, парламент ислоҳотлари, XIX асрда Англияда ижтимоий ҳаракат: луддитлар, чартизм, чартизмнинг мамлакат сиёсий тизимига таъсири, 1850-1860 йиллардаги ижтимоий ҳаракат, касаба уюшмаларининг ташкил топиши масалалари ёритилади. Бу даврда Англиянинг савдо-саноат соҳасида ривожланган давлатга айланиши ва жаҳон бозорида монопол ўринни эгаллаши, Пальмерстон, Гладстон ва Дизраэли кабинетларининг Осиё ва Африкадаги мустамлакачилик сиёсати очиб берилади.

8-мавзу: 1815-1870 ЙИЛЛАРДА ФРАНЦИЯ (2 соат)

Бу мавзуни ўрганиш жараёнида қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш тавсия этилади: Францияда иқтисодий ривожланиш ва саноат тўнтариши, Бурбонлар ва Орлеанлар монархиялари, Иккинчи республика ва иккинчи империя, Франция инқилоби ва ислоҳотлар, 1830 йилги инқилоб ва Лион қўзғолони, 1848 йилги инқилоб ва кейинги тараққиёт феодализмдан халос бўлиш йўлидаги босқич эканлиги кўрсатилади.

Иккинчи империя йилларида Франциянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, саноатдаги ўзгаришлар, бонапартизмнинг моҳияти, ижтимоий ҳаракатдаги турли оқимлар, айниқса, бланкичилар фаолияти ва Наполеон III ҳукуматининг ташқи сиёсати ҳамда мустамлакалаш йўлидаги ҳаракатлари ёритилади.

9-мавзу: 1815-1870 ЙИЛЛАРДА ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ, АВСТРИЯ, ВЕНГРИЯ (2 соат)

Бу мавзуни ўрганишни миллий ва ҳудудий муаммолардан ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқлаштиришдан бошлаган маъқул. Шундан сўнг Мадзини, Кавур, Гарибальди, Бисмарк, Меттерних каби шахсларнинг фаолиятини ўрганиш керак. Германия, Австро-Венгрия, Италиядаги 1848-1849 йил инқилоблари, уларнинг оқибатлари ва натижаларини кўриб чиқиш, Германия ва Италиядаги бирлаштирувчилик жараёнини кўрсатиш лозим.

Айни пайтда 50-60 йилларда Германия, Италия ва Австрия-Венгриянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Германия тараққиётида «прусча йўл», «темир ва қон» йўли билан бирлаштириш сиёсати, Италияни бирлаштириш учун ҳаракат, қиролликнинг ташкил топиши, Италиянинг бирлаштирилиши, 1867 йилги Австрия-Венгрия битими, бу уччала мамлакатнинг ташқи сиёсатлари ёритилади.

10-мавзу: 1815-1870 ЙИЛЛАРДА АҚШ (2 соат)

АҚШнинг XIX асрда ривожланишига бағишланган мавзуни ўрганишда АҚШнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, шимол билан жануб ўртасидаги уруш масалаларини ёритишни маслаҳат берамиз, уни келтириб чиқарган сабабларини, босқичлари ва оқибатларини, мамлакатнинг иккинчи буржуа инқилобидан кейинги ривожланишини ойдинлаштириш зарур. Шунингдек, Жефферсон Президентлиги, Наполеон урушларига АҚШнинг муносабати, қишлоқ хўжалигида тараққиётнинг «америкача йўли», мамлакат территориясининг кенгайиши, ҳиндиларнинг қириб юборилиши, аболиционистлар ҳаракати, икки партиялик тизимининг ташкил топиши.

Авраам Линкольн фаолияти, негрлар қуллигининг бекор қилиниши, жаҳон давлатларининг фуқаролар урушига нисбатан тутган сиёсати каби масалалар ёритилади.

11-мавзу: 1815-1870 ЙИЛЛАРДА РОССИЯ (2 соат)

Россия давлатининг 1815-1870 йилларда тараққиёти тарихи билан боғлиқ масалаларни баён қилиш анча қийин бўлиб, шунинг учун Россиянинг XIX аср биринчи ярмида (1825 йилгача) ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, саноат тўнтариши бошланиш жараёни, Россиянинг 1815-1825 ва 1825-1856 йиллардаги сиёсий аҳволи каби масалаларни умумий тарзда ўтиш мумкин.

1812 йилдан кейин Александр I ўтказган сиёсатни (йўлни ўзгартириш очиқдан-очиқ реакция томонида бўлиши), декабристларнинг рус тарихи ва маданиятида тутган ўрни, шунингдек, чоризм миллий мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти ва XIX асрнинг 2-чорагидаги Россия ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари (1853-56 йиллардаги Қрим уруши)ни кўрсатиш лозим.

1856-1870 йилларда Россиянинг ижтимоий-сиёсий ривожланишини ёритишда Александр II яккаҳокимлик сиёсатининг моҳияти, 60-йиллардаги ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, аҳамияти ва сабоқларига эътибор бериш зарур, ундан сўнг эса XIX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий фикр ривожланишини ва 50-60-йилларда Россия олиб борган босқинчилик урушларини таҳлил қилиш зарур.

12-мавзу: XVIII-XIX АСРЛАРДА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ (1 соат)

Бу мавзуни ўқувчиларга тушунтириш даврида янги давр бошланган даврдан Лотин Америкасидаги деярли ҳамма мамлакатлар Европа давлатларининг мустамлакаси (асосан Испаниянинг) бўлганлигига эътиборни қаратиб, қуйидаги масалаларни ёритиш зарур. Лотин Америкасида мустамлакаларнинг аҳволи, мустақиллик учун кураш, уларнинг сабаб ва оқибатлари, кўпгина мустамлакаларда рўй берган воқеалар ҳақида ахборот бериш, «Лотин Америкасида мустамлакаларнинг мустақиллик учун олиб борган урушларини инқилоб деб ҳисоблаш мумкинми?», деган муаммоли саволни ўқувчига бериш қизиқарли бўлади. Мавзуни хариталарини кўрсатиш, XIX аср ўрталарида Лотин Америкасида мустақил мамлакатларнинг ташкил топиши ва муҳим шахслар — Туссен-Лувертюр, М.Идальго, Морелос, С.Боливар, Сан-Мартинларнинг ҳаётини ўрганиш билан, шунингдек, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, Бразилиянинг Португалия истибдодидан озод қилиниши, Лотин Америкасида миллий-озодлик ҳаракатининг якунлари ва аҳамияти масалаларини ёритиш билан тугатиш мумкин.

9-СИНФ

5-мавзу: АҚШ XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА (3 соат)

Бу мавзуда XIX аср охирида АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан тез ривожланиши, Жанубдаги ўзгаришлар, Ғарбга силжиш, бозор иқтисодининг янги босқичига ўтиш, монополияларнинг кучайиши, икки партия тизими, қишлоқ хўжалигида иқтисодий тараққиётнинг «америкача йўли», ижтимоий ҳаракатнинг ривожланиши ёритилади.

XX аср бошларида АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи АҚШ жамиятининг хусусиятлари, Т.Рузвельт ва Мак Кинлининг ички ва ташқи сиёсати, АҚШда ижтимоий ҳаракат, негрларнинг аҳволи, АҚШнинг Лотин Америкасидаги сиёсати, Панама каналидаги аҳвол, Панамерика иттифоқи, «Доллар дипломатияси», «йўғон калтак» сиёсати, «Очиқ эшиклар» ва «тенг имкониятлар» доктринаси, Вильсон ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати очиб берилади.

6-мавзу: РОССИЯ XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА (3 соат)

Бу мавзуда XIX аср охирида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ички бозорнинг ўсиши, 70-90-йилларда саноат капитализмининг ўсиши, саноат пролетариатининг ташкил топиши, хорижий кредит ва пул муомаласи, қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодининг ривожланиши ва крепостнойлик қолдиқлари, товар ишлаб чиқарувчи деҳқончиликнинг ўсиши, дастлабки монополистик бирлашмаларнинг вужудга келиши, чет эл капитали, Россия жамиятида бозор иқтисодининг бошқа мамлакатлардан фарқи ёритилиб берилади.

Мамлакатда ижтимоий ҳаракатнинг ривожланиши, халқчиллар фаолияти, XIX аср охирида Россиянинг ташқи сиёсати, 70-йилларда мустамлакачилик сиёсати, Уч император иттифоқи, 1875-1876 йилларда Шарқий инқироз, 1877-1878 йилларда рус-турк уруши, Берлин конгресси, Англия-Россия қарама-қаршиликлари ва Марказий Осиёни босиб олиш масаласи очиб берилади.

Чоризмнинг Япония билан урушда енгилиши ва инқилобий чиқишларнинг кучайиши, «Қонли якшанба», инқилобга турли партияларнинг муносабатлари, 1905 йил ёзида инқилобий кураш, 17 октябрь манифести, турли гуруҳларнинг ташкил топиши, бўйсундирилган ўлкалардаги ижтимоий ҳаракатлари ёритилади. 1905-1907 йил биринчи рус инқилобининг енгилиш сабаблари, аҳамияти ва сабоқлари, инқилобга ҳозирги муносабатлар очиб берилади.

1906 йил 9 ноябрь фармони ва чоризмнинг деҳқонларни кўчириш сиёсати, Столипин аграр ислоҳотига ҳозирги қарашлар, III давлат думаси, бу даврда Россиянинг ташқи сиёсати, 1907 йил Россия-Англия билан муносабатлари кўриб чиқилиши зарур.

1910-1914 йилларда Россиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ишлаб чиқаришнинг тобора йириклашуви ва марказлашуви, чет эл капиталининг кўпайиши, Ленадаги отишмалар, IV давлат думаси, 1910-1914 йилларда Россиянинг ташқи сиёсати, 1911 йил Постдам битими, Россия ва Болқон урушлари, биринчи жаҳон уруши арафасида Россиянинг умумий аҳволи ёритилиб берилади.

7-мавзу: ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ВА МАРКАЗИЙ ЕВРОПА ХАЛҚЛАРИ XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА (3 соат)

Бу мавзуда Австрия-Венгриянинг иқтисодий тараққиёти, синфий ва миллий зулмнинг авж олиши, ташқи сиёсати, Болқондаги агрессив ҳаракати, Германия билан муносабат, Таафе ҳукуматининг сиёсати, славянлар миллий-озодлик ҳаракатининг ўсиши, Гойнфельд дастури, маданий-миллий автономия, венгр социал-демократияси, Чехия ва Словакиядаги аҳвол ёритилади.

XX аср бошларида Австрия-Венгриянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, миллий-озодлик ҳаракати, миллий-маданий автономия назарияси, Чехиядаги иқтисодий аҳвол ва сиёсат, Босния ва Герцеговинада озодлик ҳаракати, «Триализм» режалари, сиёсий кризиснинг етилиши очиб берилади.

Ушбу мавзуда Италия бирлаштирилгандан кейин унинг иқтисодий аҳволи, помешчик буржуа ҳукуматининг сиёсати, меҳнаткашларнинг аҳволи, эмиграция, ижтимоий ҳаракат, социалистик партия фаолияти, Италиянинг ташқи сиёсати, Франция билан муносабати, Учлар иттифоқига кириши ва Африкадаги мустамлакачилик агрессияси ҳақида билимлар берилади.

XX аср бошларида Италиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Италия жамиятининг хусусияти, ижтимоий ҳаракат, Режио Эмилио съезди, Жолиттининг ички ва ташқи сиёсати, Италиянинг йирик давлатлар билан муносабати,1911-1912 йиллардаги Италия-Туркия уруши, сиёсий инқирознинг етилиши тушунтирилади.

XIX аср охирида Болқон давлатларининг Туркия томонидан эзилиши, иқтисодий тараққиёт, аграр масала, Болқонда миллий-озодлик ҳаракатининг ўсиши, В.Левский, Х.Ботевлар фаолияти, Босния ва Герцоговинада 1875 йилги қўзғолон ҳамда унинг бостирилиши, Европа давлатларининг Болқондаги сиёсати, Сербия, Македония, Черногория, Албания, Греция ва Руминиянинг аҳволи очиб берилади.

XX аср бошларида Болқон давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти. Болгарияда ижтимоий ҳаракат, Тесняклар фаолияти, Болгариянинг мустақил деб эълон қилиниши, ташқи ва ички сиёсати ҳамда Болқон урушларида қатнашиши, Сербия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина, Албания, Греция, Руминия давлатларининг ички ва ташқи сиёсати ўрганилади.

8-мавзу: ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА (2 соат)

Бунда XIX аср охирида Лотин Америкасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи. Ҳиндиларнинг аҳволи, Панамерика сиёсати, Испания-Америка уруши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ижтимоий ҳаракат, Мексикада Ф.Диас диктатураси, Мексика иқтисоди, 1910-1917 йиллардаги буржуа инқилоби, Э.Сапати, Ф.Мадеро, Ф.Вильялар фаолияти, Карранса ҳукуматининг ўрнатилиши ва сиёсати, Конституциянинг қабул қилиниши мавзулари очиб берилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Америка давлатларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Гватемала ва Коста Рикадаги аҳвол, Марказий Америка республикасининг ташкил топиши ва ўзаро урушлар, Никарагуага АҚШнинг бостириб кириши, Гаити ва Доминиканадаги аҳвол, Панаманинг АҚШга қарамлиги, Кубадаги 1895-1898 йиллардаги мустақиллик учун уруш, Хосе Марти фаолияти, Кубанинг АҚШ маъмурияти зулмига тушиши ва миллий-озодлик ҳаракати, Марказий Америкада АҚШнинг «йўғон калтак» ва «доллар дипломатияси» сиёсати, ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши мавзулари ўрганилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бразилия ва Аргентинананинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, Бразилияда қулчиликнинг бекор қилиниши, республиканинг эълон қилиниши, ижтимоий ҳаракат, Бразилиянинг ташқи сиёсати, Аргентинада Сармъентонинг буржуа-тараққийпарвар ислоҳотлари, ҳиндлар аҳволи, иқтисодининг ўсиши, ижтимоий ҳаракатнинг юксалиши, Аргентинананинг ташқи сиёсати масалалари очиб берилади.

10-СИНФ

9-авзу: МЎҒУЛИСТОН УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА (1 соат)

Бу мавзуда Мўғулистоннинг ижтимоий ва давлат тузуми, Мўғулистонда ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши, Мўғулистонга Япония агрессияси, Хитой милитаристлари ҳукмронлигини қайта тиклашга уриниш, инқилобнинг шарт-шароитлари, Мўғулистон халқ инқилобий партиясининг тузилиши. Сухэ-Батор ва Чойбалсан фаолиятлари, 1921 йил инқилоби, Шўро давлатининг мўғул халқига ёрдами, Мўғулистон Халқ Республикасининг ташкил топиши ва ривожланиши ва унга бугунги қарашлар масалалари ўрганилади.

10-мавзу: УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ХИТОЙ ВА ЯПОНИЯ (2 соат)

Бу мавзуда биринчи жаҳон урушининг Хитойга таъсири, Хитой милитаристларининг ташқи сиёсати, 1918йилда ижтимоий ҳаракатлар 1919 йил «4 май ҳаракати» халқнинг чиқишлари ва унга қарши кураш, янги партияларнинг тузилиши, хорижий мамлакатларнинг Хитойга муносабати, Вашингтон конференцияси, 1923 йил «7 февраль воқеалари» ёритиб берилади.

Биринчи жаҳон урушининг Японияга таъсири, турли хил зиддиятларнинг кескинлашуви, «Шоли исёнлари», 1920-1921 йиллардаги иқтисодий инқироз, Узоқ Шарқда интервенциянинг барбод бўлиши, ижтимоий ҳаракатлар, янги партияларнинг тузилиши, Вашингтон конференцияси ва Япониянинг аҳволи масалалари очиб берилади.

11-мавзу: УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҲИНДИСТОН (1 соат)

Бу мавзуда биринчи жаҳон уруши охирида Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ижтимоий ҳаракатларнинг ўсиши, касаба уюшмаларининг ташкил топиши, 1919 йилги Конституция, Амритсар воқеалари, Гандизмнинг моҳияти, «Сатьяграха» ҳаракати, 1919-1922 йиллардаги ижтимоий ҳаракатнинг мағлубияти ва аҳамияти ёритиб берилади.

12-мавзу: УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ (2 соат)

Бу мавзуда биринчи жаҳон урушининг Эронга таъсири, Русиядаги янги тузумнинг Эронга миуносабати ва чор ҳукумати томонидан тузилган асоратли битимларнинг бекор қилиниши ва рус қўшинларининг Эрондан олиб чиқиб кетилиши, Эроннинг инглиз қўшинлари томонидан ишғол қилиниши, Эронда миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши, Табриз қўзғолони, Ғилон воқеалари, Эронда янги партияларнинг тузилиши, 1921 йилги Шўро-Эрон шартномаси, инглизларнинг ҳайдалиши, Эрон нефти учун кураш, 1921 йилги давлат тўнтариши, Ризохоннинг тахтни эгаллаши. Уруш ва Туркия, ижтимоий ҳаракатлар, Анатолия буржуазиясининг хорижий босқинчиларга қарши курашда раҳбарлиги, Мустафо Камол фаолияти, парламентнинг чақирилиши, Стамбулнинг инглизлар томонидан эгалланиши, Греция интервенцияси, Севр шартномаси, турк халқининг озодлик учун кураши, янги партияларнинг тузилиши, Шўро-турк шартномаси, турк халқининг интервентлар устидан ғалабаси, султонлик ва халифаликнинг тугатилиши, Туркиянинг республика деб эълон қилиниши масалалари ёритиб берилади.

13-мавзу: 1918-1923 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР (2 соат)

Бу мавзуда биринчи жаҳон урушида Германия ва унинг иттифоқчиларининг енгилиши, Компьен битими, Париж сулҳ конференцияси, конференцияда турли давлатлар манфаатлари ва уларнинг характери, Версаль системаси, жаҳонни қайта бўлиш учун кураш, Миллатлар лигасининг тузилиши, Мандат тизими, репарация масаласи ёритилади.

Вашингтон, Генуя ва Лозанна конференциялари. Вашингтон конференциясида 4 давлат, 5 давлат, 9 давлат битимларининг қабул қилиниши ва уларнинг характери, Генуя конференцияси, Рапалло битими, Гаага конференцияси, Яқин Шарқ кризиси ва Лозанна конференцияси ўрганилади.

14-мавзу: БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР (1 соат)

Бу мавзуда дунё мамлакатлари халқлари турли қатламларининг аҳволи, демократия, тинчлик ва озодлик учун кураш, Иккинчи Байналмилалнинг ҳалокати ва II Байналмилалнинг тузилиши, Байналмилалнинг 1 ва 2-конгресслари, унинг қарорлари, инқилобий партияларнинг бир ёқлама халқаро ҳуқуқларга қарши стратегияси ва тактикасининг ишлаб чиқилиши, икки ярминчи Байналмилал ва социалистик Байналмилалнинг тузилиши ҳамда фаолиятлари. Уч Байналмилал вакилларининг Берлин конференцияси ва унинг натижасиз тугаши. Социалистик ишчи Байналмилалининг тузилиши, касаба уюшмаси ва социал-демократик ҳаракатларнинг ривожланиши масалалари ҳозирги давр нуқтаи назаридан ёритилади.

Такрорлаш-умумлаштириш (1 соат) дарсида Шарқ мамлакатларининг урушдан кейинги аҳволи, халқаро муносабатлар, байналмилалчилик ва ижтимоий ҳаракатлар, Шўро давлатининг тиклаш давридаги аҳволи умумлаштирилади.

11-СИНФ

8-мавзу: ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ (2 соат)

Бу мавзуда Испания тарихининг асосий даврлари, Франко диктатурасининг урушдан кейинги ички ва ташқи сиёсати, Автаркия сиёсати, сиёсий курашлар, диктатуранинг йиқитилиши ва демократик тузумнинг ўрнатилиши, Хуан Карлос 1 фаолияти, ижтимоий ҳаракатлар, 1977 йилги сайлов, А.Суарес ҳукумати, демократик тузумнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, 1982 йилги сайлов, Ф.Гонсалес фаолияти, Испаниянинг ташқи сиёсати, Ўзбекистон билан Испания алоқалари, ҳозирги даврда Испаниянинг аҳволи ўрганилади. Шунингдек, Португалияга урушнинг таъсири, А.Салазарнинг урушдан кейинги ички ва ташқи сиёсати, мустамлакалардаги аҳвол, «Қизил гвоздика инқилоби», 1986 йилги сайловлар, М.Соареш фаолияти, Португалиянинг ҳозирги босқичда ички ва ташқи сиёсати, Португалия–Ўзбекистон алоқалари ёритилади.

9-мавзу: ШИМОЛИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ (1 соат)

Бу мавзуда Дания, Норвегия ва Швецияга иккинчи жаҳон урушининг таъсири, Скандинавия мамлакатлари ривожланишининг умумий тафовутлари, Ғарбга эргашув, Европа иқтисодий ҳамкорлигига муносабат, социализмнинг шведча модели, Финляндиянинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, ҳозирги даврда Скандинавия давлатлари ва уларнинг Ўзбекистон билан алоқалари масалалари очиб берилади.

10-мавзу: УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШЎРО ДАВЛАТИ (2 соат)

Бу мавзуда урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигининг тикланиши, тўртинчи беш йиллик режанинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигини тиклаш ҳақида уринишлар, Молдавия, Ғарбий Украина, Ғарбий Белоруссияда ва Болтиқбўйида коллективлаштириш, Шўро ҳукуматининг халқ демократияси давлатлари билан алоқаларининг мустаҳкамланиши, Сталин шахсига сиғинишнинг салбий оқибатлари, қатағон қилинганларнинг аҳволи ва жамиятга таъсири, Сталин вафоти, Берия ҳалокати, Н.С.Хрушчевнинг ҳокимиятни қўлга олиши, шахсга сиғинишнинг қораланиши, оқлов ва улар орасида ўзбеклар, «социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси» асосланмаган назарияси, шунингдек, етти йиллик режани амалга ошириш учун кураши, 1961-63 йиллардаги инқироз, чорвачиликка келтирилган зарар. КПСС дастурининг хом хаёл эканлиги, 1964 йил октябрь Пленуми ва Л.И.Брежнев даврининг бошланиши, Шўро давлатининг ташқи ва ички сиёсати. Хитой масаласи, Кубага ёрдам, Чехословакиядаги исённинг бостирилиши масалалари ёритилади. 70-80-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол, 1977 йилги Конституция, экологик муаммонинг кескинлашуви, халқ хўжалик режаларида кўзбўямачиликлар ҳамда 70-йилларда Шўро давлатининг ташқи сиёсати, Афғонистон масаласи, 80-йилларда иқтисодий аҳвол, Л.И.Брежневнинг вафоти, Ю.А.Андропов, К.У.Черненко даврида амалга оширилган ўзгаришлар, М.С.Горбачевнинг ислоҳотчилик фаолияти, қайта қуриш, алкоголизмга қарши кураш, сиёсий мувозанатнинг бузилиши ва унинг иқтисодиётга таъсири, Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг ҳокимиятни қўлга олиши, сиёсий ҳаётнинг издан чиқиши, Б.Ельцин фаолияти, СССРнинг парчаланиши, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иттифоқининг тузилиши ва Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилиниши. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ҳамдўстлик мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва маданий алоқалари ёритиб берилади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсида иккинчи жаҳон уруши воқеалари, урушдан кейин Европа ва Америка давлатларининг тарихи умумлаштирилади ҳамда бу соҳада билимлар мустаҳкамланади.

11-мавзу: МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ. «ХАЛҚ ДЕМОКРА-ТИЯСИ» ДАВРИ (1 соат)

Бу мавзуда Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида урушнинг оқибатлари, «Халқ демократияси» тартибининг ўрнатилиши, ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ижтимоий-иқтисодий қайта қуришлар, «Халқ демократияси» - жамиятни уюштиришнинг янги шакли сифатида, сиёсий курашлар, Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг халқаро аҳволи, Шўро давлатининг бу мамлакатлар ҳаётидаги роли ўрганилади.

12-мавзу: СОВЕТ НАМУНАСИ БЎЙИЧА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИШГА ЎТИШ. БИРИНЧИ ИНҚИРОЗЛАР (1 соат)

Бу мавзуда «Халқ демократияси» мамлакатларидаги ҳукмрон коммунистик партиялар томонидан сталинча социализм моделининг қабул қилиниши ва унинг сабаблари, бунинг назарий томондан мустаҳкамланишида Информбюронинг роли, 1947-1948 йилларда кескинликлар, Югославия раҳбарияти билан қарама-қаршиликнинг чиқиши, Германия Демократик Республикасининг ташкил топиши, совет намунаси бўйича социализм қурилишининг бошланиши, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тузилиши, биринчи инқирозлар, 1956 йилги воқеалар ва уларнинг оқибатлари ёритилади.

13-мавзу: СОЦИАЛИЗМ «СОВЕТ МОДЕЛИ» ИНҚИРОЗИНИНГ ЧУҚУРЛАШУВИ (1 соат)

Бу мавзуда 50-йиллар ўртаси 60-йиллар бошида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, Чехословакияда 1968-1969 йиллардаги инқироз, Польшада 1968 ва 1970 йиллардаги инқироз, Югославия «ўз-ўзини бошқарадиган социализм», ривожланган социализм концепциясининг йўққа чиқиши ўрганилади.

14-мавзу: ПОЛЬША, ВЕНГРИЯ (1 соат)

Бу мавзуда 1980-1981 йилларда Польшада ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз, Э.Герекнинг партия раҳбарлигидан кетиши, Король Войтилланинг Рим папаси қилиб сайланганлиги ва унинг Польша ҳаётига таъсири, «Бирдамлик»нинг фаолияти, инқирозни енгиб ўтиш учун кураш ва ислоҳотлар, В.Ярузельский фаолияти, парламент демократиясига ўтиш, Бальцерович модели, Л.Валенса сиёсати, С.Квасьневскийнинг ҳокимиятга келиши, ҳозирги даврда Польшанинг ички ва ташқи сиёсати, Польша-Ўзбекистон алоқалари очиб берилади.

70-80-йилларда Венгриядаги ислоҳотлар, Я.Кадарнинг ҳокимиятдан кетиши, К.Грос фаолияти, ҳокимиятга янги кучларнинг келиши, ВДР, Арпада Генц, бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳозирги даврда Венгриянинг ички ва ташқи сиёсати, Венгрия-Ўзбекистон алоқалари ёритилади.

15-мавзу: ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ (1990 йил октябргача), ЧЕХОСЛОВАКИЯ (ЧЕХИЯ, СЛОВАКИЯ) (1 соат)

Бу мавзуда ГДРнинг 70-80-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, мамлакатда тоталитар тизимнинг инқирози, ГДРда халқ инқилоби, ГФР билан бирлашув, Э.Хонеккернинг тақдири, Ўзбекистон-ГДР алоқалари ҳамда 70-80-йилларда Чехословакиянинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишидаги қарама-қаршиликлар, Г.Гусакнинг раҳбарлик лавозимидан кетиши, «Партия-77» фаолияти, 1989 йилги кескинлик, В.Гавелнинг ҳокимиятга келиши, Чехия ва Словакиянинг мустақил давлатларга айланиши, ҳозирги даврда Чехия ва Словакиянинг Ўзбекистон билан алоқалари ўрганилади.

16-мавзу: БОЛГАРИЯ, РУМИНИЯ (1 соат)

Бу мавзуда Болгариянинг 70-80-йиллардаги тараққиёти, 80-йиллардаги иқтисодий ва сиёсий инқироз, Т.Живков режимининг қулаши, якка ҳукмронлик режимининг тугатилиши, Ж.Желев фаолияти, П.Стояновнинг ҳокимиятга келиши, ҳозирги даврда Болгариянинг ички ва ташқи сиёсати, Болгария-Ўзбекистон алоқалари, шунингдек, Руминияда «Чаушеску даври», 70-80-йиллардаги тараққиёт, Чаушеску диктатурасининг қулаши, инқилобдан кейинги ривожланиш, И.Илиеску фаолияти, Руминиянинг ҳозирги даврдаги ички ва ташқи сиёсати, Руминия-Ўзбекистон алоқалари ёритиб берилади.

17-мавзу: ЮГОСЛАВИЯ, АЛБАНИЯ (2 соат)

Бу мавзуда Югославияда «ўз-ўзини бошқарувчи» социализм тизимининг инқирози, 70-80-йиллардаги қийинчиликлар, И.Броз Тито вафоти, ЮКИдаги қарама-қаршиликлар, ЮКИнинг барҳам топиши, Югославиянинг парчаланиши, ўзаро урушнинг кучайиши, БМТнинг аралашуви, югослав давлатлари билан Ўзбекистон алоқалари, ҳозирги босқичда югослав давлатларининг аҳволи, Босния ва Герцеговина воқеалари ҳамда Албаниянинг тараққиёти, Анвар Хожининг Хитой билан яқинлашуви ва Шўро давлати билан муносабатларидаги совуқлик, А.Хожи вафоти, илк ўзгаришлар, Р.Алия фаолияти, туб ўзгаришларнинг бошланиши, 1992 йилги сайлов, С.Беришининг ички ва ташқи сиёсати, 1997 йилги инқироз, ҳокимиятнинг янгиланиши масалалари очиб берилади.

18-мавзу: МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА (2 соат)

Бу мавзуда 80-йиллар охири ва 90-йиллардаги воқеалар, янги сиёсий тизимнинг шаклланиши, бозор иқтисодиётига ўтиш, ўзаро муносабатларнинг қайта қурилиши, Ғарбий Европанинг роли, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки фаолияти, ҳозирги даврда бу давлатларнинг тараққиёти масалалари ёритилади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсида Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатларининг 70-80-йиллардаги тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши умумлаштирилади.

Тузувчилар: К.НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Г.ХИДОЯТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
М.ЛАФАСОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент,
С.МАҲКАМОВ,
республика Таълим маркази Тарих ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш маркази раҳбари

Дарахтлар тўшаган тилла пойандоз

Куз олтинми, сиз олтин?

Инсон ҳаётида яхши кунлар кўпми ёки ёмон кунлар? Менимча, яхши кунлар кўп. Бухоролик дугонам Гулноранинг педагоглик фаолиятини кузатиб туриб шундай хулосага келдим. Ҳақиқатдан дунё яхшиликка тўла. Биз уша яхшиликларга пешвоз чиқа олсак бас.

Бухоро шаҳридаги 33-сонли мактабда ўн етти йилдан буён ўзбек тили ва адабиётидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган бу дугонам бир неча марта республика, вилоят педагогик ўқишларида, энг яхши ўқитувчи, энг яхши ўқув кўргазмалари танловларида ғолибликни қўлга киритганини эшитиб фахрланиб юраман. Айниқса, ўтган йили Гулноранинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. У узоқ йиллар давомида изланиш олиб бораётган «Ўзбек тили фонографик услубий воситалари» мавзуидаги номзодлик диссертациясини УзФА тилшунослик институтининг илмий кенгаши юқори баҳолади. Урта мактаб ўқитувчиси Гулнора Яхшиева филология фанлари номзоди бўлди.

Уша куни илмий кенгаш муҳокамасида, ўтган иккинчи аспирант Байрамали Қиличев унинг собиқ ўқувчиси экани уни яна бир бор қувонтирди.

Илмий кенгаш раиси, профессор, филология фанлари доктори Мазлума Аскарова иккала номзодни қутлаб, «Қани эди ҳар бир ўқувчининг шундай устози бўлса-ю, ҳар бир устознинг шундай шогирди бўлса», - дея умид билдирди.

Уша куни бир-бирини табриклаётган икки бахтли педагогнинг кўзларидаги қувонч ёшларини ҳеч ким ёддан чиқармайди. Айниқса, Гулнора.. Сабаби, у бу кунни умр бўйи кутди. Бахт келса қўшалоқ келади, деганларидек Гулнора Яхшиева фан номзодлигини ҳимоя қилган куни унинг яна бир ўқувчиси Зарина Эгамова Халқ таълими вазирлиги ўтказган «Ватан - саждагоҳ каби муқаддас» мавзуидаги республика иншолар танловида энг юқори балл тўплаб, ғолиблар ғолиби бўлди.

Табиат Гулнорага кенг феъллик ва вазминликни ато этган. Асаблари чатнаб кетганда ҳам, сабр косаси тўлай-тўлай деганда ҳам бир лаҳзада фикрини жамлаб, парво қилмай изланишда давом этди. У ҳар куни нимадир қилишга улгурди. Тажрибаларини тўплаб ўқитиш ишлари ҳақида қатор тавсияномалар чоп эттирди. Болаларни вилоят ва республика олимпиадаларига тайёрлади. Ўқувчилари кетма-кет ғолибликни қўлга киритишди. Ҳозирги кунда унинг собиқ ўқувчилари: Дилфуза Нуриллаева, Гули Тоҳировалар ўзи билан бир сафда болаларга ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ беришмоқда. Шундан бўлса керак, Гулнора Яхшиевани бугунги кунда омадли ўқитувчи, дейишади.

Шуларни эслар эканман, файласуф Геродотнинг қуйидаги гаплари ёдимга тушади: «Ҳаракатчан кишилар одатда омадли бўладилар, аксинча, қиладиган ишларини ҳадеб ўйлаверадиган ва сусткашлик қиладиганларга омад камдан-кам насиб этади».

Гулнора Яхшиева ишининг, касбининг қадрига етадиган педагоглардан. У ҳеч қачон ўз йўлида иккиланмайди, янгиликни кечиктирмай амалга оширади. Мана шу йил у тест синовларига тайёрлаган 57 нафар ўқувчининг 55 нафари турли олий ўқув даргоҳларига ўқишга кирди .У ҳар бир ўқувчисининг имтиҳон натижаларини ҳаяжон билан кутади. Гўё ўзи имтиҳон топширадигандек. Аслида ҳам шундай, ўқувчиси билан бирга ўқитувчининг сабоқлари ҳам имтиҳондан ўтади, синалади.

Ҳа, Гулнора омадли аёл. Оиласи тинч. Турмуш ўртоғи—таянчи. Икки фарзанди—қувончи.

У кузни севади. Куз меҳнатнинг меваларини сарҳисоб қиладиган талабчан фасл. Куз улуғвор ва сокин. Гулнора болаликдан ҳаёлчан. Ҳаёл сураётганида у кўзимга аллақандай мўъжизали аёл бўлиб кўринади. Нега шундай ҳеч тушунмайман.

Дугоналарим кўпинча Гулнора ҳақида ёзган шеъримни ўқиб беришимни сўрашади. Бу шеърни ўқиганимда куз унгимга Гулнора каби, камтар, сокин, улуғвор, куз каби саҳий ва ўйчан юзлаб, минглаб маорифимиз фидоийлари келди. Бақириқ-чақириқлардан ҳоли, сокин сатрларни қабул этинг:

Атроф сокин, куз ўйчан
Куз ўйчанми, сиз ўйчан?
Сиз кузни ҳам ўйлатасиз,
Демак, гулим сиз ўйчан.
Атроф сокин, куз олтин,
Куз олтинми, сиз олтин?
Куз ўткинчи бир фасл,
Демак Сиз, Сиз олтин.

Зулфия МЎМИНОВА

Ta'lim fidoyilari

Xullas...

БОБО МАЙМУННИНГ МАСКАНИ

АҚШликларнинг тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, инсониятнинг илк аждодлари Африкада яшаб ўтишганга ўхшайди...

Техас университети генетик олимлари пекинлик ҳамкасблари билан Хитойнинг 28 та минтақасида истиқомат қилувчиларнинг тана, юз, тери тузилишларини ўрганишди. Улар африкаликларга ўхшашроқ булиб чиқди.

Америка Фанлар Академияси томонидан илгари сурилган бу янгилик «Инсониятнинг келиб чиқиши Африкадан шекилли» деган фикрни ўртага ташламоқда. Ким билади дейсиз, «қари қитъа»да юз минг йиллар аввал одамзотнинг илк аждодлари вужудга келганмикан?

РАНГ КЎР...

Обой яъни деворга ёпиштириладиган қоғоз иштаҳага ажабтовур таъсир қилиши мумкин экан.

Англиялик олим Б. Греб семизлик «бахтига» муяссар бўлганларга спорт ва парҳезни тавсия этади. Унинг фикрича, емакхона деворига ним яшил ёки тўқ кўк рангдаги гулқоғозлар ёпиштирилса, иштаҳа кескин тушиб кетар эмиш.

РЎЗҒОРНИНГ ҒОРИДАГИ БОЛАЛАР

Ишлаб пул топиш фикри ер юзидаги юзлаб давлатлар ўсмир болаларини ташвишлантиради.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотлари шундан далолат берадики, етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 250 миллион бола ўз «аравасини» ўзи тортмоқда. Осиё мамлакатларида ҳар 10 нафар боладан биттаси бир бурда нон учун жонини қурбон қилишга тайёр. Африкада 32, Лотин Америкасида 7 фоиз ўсмирлар ишлаб пул топишга, шу билан узларининг каму кўстларини тўғрилашга ишқибоз.

ЧЎНТАКНИНГ ТУТУНИ ЧИҚАДИ

Тамаки ҳақида айтилмаган гап қолмади. Мавзуни «чайнай-чайнай» қалам аҳли ҳам чарчади. Аммо шунга қарамай, ярамас одатга ружу қуювчилар кўпайса кўпаймоқдаки, камаймаяпти.

Ҳар қайси давлатнинг чекишга қарши белгилаган чоралари бор. Сингапурда таъқиқланган жойларда чекишдан олдин ҳамённи кенгроқ очиб қўйишга тўғри келади. Қоидани бузганлар 300 доллар миқдорида жарима тўлашга мажбур...

ana shunaqa gaplar...

Sport

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

2000 йили Ливанда ўтказиладиган Осиё кубоги саралаш ўйинларига қуръа ташланди. Ўзбекистон терма жамоаси 3-гуруҳда Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Бангладеш ва Шри-Ланка жамоалари билан мусобақанинг финал қисмига йўлланма берадиган 1-ўрин учун кураш олиб боради.

КУРАШ ЖИДДИЙ БЎЛАДИ

Осиё кубок эгалари кубогида «Ниса» жамоасини мағлуб этган «Пахтакор» кейинги босқичда жиддий рақибга дуч келди. Футболчиларимиз энди Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳот» жамоаси билан майдонга тушади.

КУБОК БИЗНИКИЛАРДА

Хитойда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича 11-Осиё чемпионатида 14 мамлакатдан 70 спортчи кураш олиб боришди. 18 медални қўлга киритган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишиб, қитъа кубогини қўлга киритишди.

ҒАЛАБА АЛЕКСАНДР, ОЛЬГА ВА «ОПЕЛ»ДА

Тошкент - Чимён - Чорвоқ сув омбори бўйлаб «Сўғдиёна—98» 11-халқаро автораллиси бўлиб ўтди. Умумий масофаси 400 километрлик йўлни моҳирона босиб ўтган тошкентлик Александр Силенко ва Ольга Тереховалар «Опел Аскона» автомобилида ғолиб бўлишди.

БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Атланта Олимпиадаси чемпиони, гимнастикачи қиз Доминик Мочану ўз ота-онасини судга бермоқчи. Унинг айтишича, машаққат билан топган пулларини текинтомоқлар ҳеч ўйламасдан ҳавога совураётганмиш.

maydonchasi

Maktabgacha ta'lim

«ҚУЁШ» — УМИД ДЕМАК

Пахтачи туманидаги 3 - «Қуёш» болалар боғчаси вилоятдаги кўзга кўринган масканлардан. Жамоага бола руҳиятининг бутун бўй-бастини тўкис кўра олгувчи Ойдин Қурбонова 23 йилдан буён мудиралик қилади.

Дилбандлар масканидаги 2 та илк ёш, 4 та боғча гуруҳида 140 нафар ширинтой таълим-тарбия олаётир. Ҳар бир боланинг ҳаёти она-Ватан билан тўкис, ҳар бир ота-она учун фарзанд камоли муқаддас орзу эканлигини мудира ҳар дақиқа ёдидан чиқармайди. У Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонади, чиқаётган қарорларни жамоа билан ҳамкорликда ишлаб чиқиб, уни амалда жорий этаётир. Жумладан, «Соғлом авлод учун» қарорини зудлик билан ўзлаштириб, боғчани унга мослаштирди. Ҳозирги давр талаби мактабгача тарбия концепцияси бўйича, «Таълим тўғрисида»ги, «Давлат тили» ҳақидаги Қонунлар ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га амал қилган ҳолда боғчадаги таълим-тарбия жараёнини тубдан ўзгартирди. Тайёрлов гуруҳида саводга ўргатишни яхши йўлга қўйди. Мураккаб қалбларга хорижий тилардан - рус тили, инглиз тили, шунингдек, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, нафосат тарбияси, одобнома, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўргатилаётир.

Усулий ишлар, амалий ёрдам мақсадга мувофиқ ташкил этилган мазкур масканда кун тартиби шундай тузилганки, унда ширинтойлар чарчаш ёки зерикиш нималигини билишмайди.

Миллий урф-одатларни болалар онгига сингдириш мақсадида таълим-тарбия ишлари халқ анъаналарига асосланган ҳолда ташкил этилган. Ўзбек миллий ўйинлар тўплами, ўзбек халқ эртаклари бурчаклари ташкил этилган. Ўғилқизларга уч йўналиш - нутқ ўстириш, тасвирий фаолият, саҳналаштириш бўйича таълим-тарбия берилаётир. Расм чизиш, ҳисоб ўргатиш, ёпиштириш, жисмоний тарбия сингари мустақил машғулотлар гигиеник қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Жисмоний тарбия боланинг асабларини мустаҳкамлайди, танасини чиниқтиради.

- Бола ўйнаб туриб дунё танийди, - дейди боғча мудираси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ойдин Қурбонова. - Ёш ниҳоллар ривожланишини тўғри ташкил этиш учун турли шаклдаги ўйинлар уюштирилган. Боғчадаги ютуқларимиз мактабда таълим пойдеворининг мустаҳкам бўлишида, тарбияда «бола бошидан» деган халқ нақлининг асосли эканлигини изоҳлашда таянч манба бўлмоқда.

Кичкинтойлар маскани 2 сотихлик иссиқхонасига эга. Қишин-ёзин иссиқхонада турли кўкат ва зираворлар, помидор, турфа гуллар экилади. Истеъмолдан ортган маҳсулотдан қилинган даромад боғчанинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун сарфланмоқда.

«Қуёш» боғча жамоаси ўтган икки-уч йилда «Соғлом авлод учун» қўрик-танловида II ўринни, «Тарбиячи-96» туман қўригида I ва вилоят қўригида Ш ўринни олишга муваффақ бўлди.

Асл фарзанд Ватанга ҳамиша камол тилайди, унинг равнақи йўлида умрини бахшида этишни ўз бурчи деб билади. О.Қурбонованинг ана шундай эзгу истаклари рўёбга чиқишига, келажагимиз ғунчаларини муносиб фарзанд қилиб вояга етказишларига ишончимиз комил.

Дилбар ХЎЖАЕВА

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи:—Одамнинг кўплик шакли нима бўлади?
Ўқувчи:—Одамлар.
Ўқитувчи:— Боланинг кўплигини?
Ўқувчи:—Эгизаклар.

* * *

Ник: —Эн, менга ручкангни бериб турақол?
Эн: —Узингнинг ҳам ручканг борку...
Ник: —У кўп хато ёзади-да...

* * *

—Сизнинг ўғлингиз мактабда «аъло» баҳоларга ўқийдими? — сўради бир киши иккинчисидан.
—Ҳа, у яхши баҳоларга ўқийди, барча фанларни чуқур ўзлаштиришни хоҳлайди. Шунинг учун у бир синфда икки йил ўқийди...жавоб берди иккинчи киши.

* * *

—Дарахт тепасида нима қиляпсан ҳой бола?
—Битта олмангиз тушиб кетган экан, жойига илиб қўяяпман...

* * *

Ўқитувчи:—Сенингча, Ой фойдалими ёки Қуёш?
Ўқувчи: —Менимча, кўпроқ Ой фойдали. Чунки Қуёш кундузи, Ой эса кечаси ёритади...

* * *

Илк марта мактабга бориб келган Томми дадасига:
—Ўқитувчи менга гапирди, — деди.
—Яхши, —деди дадаси, — нималарни гапирди?
— Жим утиргин, — деди.

* * *

Ўқитувчи:—Рим қачон қурилган?
Ўқувчи: —Кундузи ва кечаси!
Ўқитувчи: —Сенга буни ким айтди?
Ўқувчи: — Узингиз айтдингиз-ку, Римни бир кунда қуриб бўлмайди деб.

Инглиз тилидан Сафарали ҲОЖИЕВ таржимаси

Ko'ngil bitiklari

МЕНИНГ ЯШАГАНИМ ФАҚАТ ШУ ОНДИР

Кўнгил саҳросида ишқ ўтин ёндир,
Ёндир, эй руҳ, ёлғиз матлабим қондир.
Чўпчаклар сўйлама кеча-эртадан,
Менинг яшаганим фақат шу ондир,
Ёндир, эй руҳ, ёндир, ишқ ўтин ёндир.

Таннинг аягани бебақо жон, бас,
Юрак-чи, ишқ истаб ютгани қон, бас,
Илло, имконингда милён имкон, бас,
Ташна дилга битта учқун армондир,
Ёндир, эй руҳ, ёндир, ишқ ўтин ёндир.

Босиб келаётган қоп-қора тунми,
Менинг ўтаётган кунларим кунми,
Тириклик тўлови бир нафс учунми?..
Нечун ахир? Бундай ҳаётдан тондир,
Ёндир, эй руҳ, ёндир, ишқ ўтин ёндир...

НАҲОТ...

Чилтор оҳангидай олис-олисдан
Унут ҳисларданми келмоқда дарак.
Нечун қалқиб-қалқиб тушдинг туйқусдан,
Нималарни туйдинг, совуган юрак?

Қуруқшаган вужуд, қизийсан нечун,
Тўнган қон, кўпирмоқ қудратинг қайдан.
Қуйилиб келмоқда сўзлар туну кун,
Тилни фарқлаб бўлмай қолди-ку найдан.

Эшикни қулфлайман.
Бетон қутида
Мени қучар кекса ҳамроҳим зулмат.
Сизиб кираверар тутам нур, аммо...
Наҳот келган бўлсанг, ёруғ муҳаббат...

У ҲАЁТ

Ҳориган сайёҳлар қоя ортида,
Кўпирган уммонни тинглашган мисол.
Дахл деворидан олис-олисда,
Қайнаган Ҳаётни тинглаб бемалол.

Бизлар яшаяпмиз
Сокин, қутқусиз,
Эртан хавотири чўп солмас кўзга.
Нима ҳам қилардик,
У Ҳаёт олис,
Нима ҳам қилардик,
У Ҳаёт ўзга...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

Ҳурматли онажонимиз МУСАБЕКОВА САЛИМА!

Сиз Оққўрғон туманидаги 11-ўрта мактаб ўқувчиларига билим бериш баробарида биз фарзандларимизни ҳам комил инсон қилиб тарбиялашда заҳмат тортдингиз. Сизнинг эзгу ишларингизда ҳамиша собитлик тилаймиз. 50 ёшингиз муборак бўлсин. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.

Фарзандларингиз: Адҳамбек, Отабек, Ойбек, Санжар, Сардор, Сайёрахон, Ҳулкархон.

ГИЖЖАЛАР - ХАВФЛИ ХАСТАЛИК МАНБАИ

Гижжалар (гельминтлар) одам, ҳайвон ва усимликларда гижжа касалликларини қўзғатувчи, текинхўрлик билан яшайдиган қурт ва чувалчанглардир.

Гельминтлар одамнинг нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, мушак тизимида, жигар, талоқ, қон, мия, кўз ва бошқа органларида паразитлик қилади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, гижжаларнинг 250дан ортиқ тури бўлиб, улар ичак деворлари ва бошқа органларни яралаб, ич терлама, ичбуруғ каби юқумли ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Гижжалар ичакнинг шиллиқ қаватига ёпишиб олиб, уни жароҳатлайди. Оқибатда ичак деворларида яра пайдо булади ва қон кетишига сабаб булади. Ичакда яшовчи гижжалар асосан ичакдан тунда чиқади. Гижжалар одам организмида биттадан бир нечта миллионгача бўлиб, уларнинг организмида яшаш муддати бир неча ҳафтадан то қирқ йилгача ва ундан ортиқ яшайди.

Олимларимизнинг таъкидлашича, гижжалар танада яшаш жараёнида узидан заҳарли моддалар ажратади ва бу заҳар қонга сўрилиб, тарқалади. Унинг заҳри марказий асаб тизимига таъсир қилиб, модда алмашинувини бузилиши, натижада, тутқаноқ хасталиги рўй бериши мумкин. Айниқса, болалар организми гижжага қарши яхши кураша олмайди, шунинг учун бола организми бу касалликка тез чалинади ва касаллик оғир ўтади. Агар эмизикли она шундай касалликка чалинган булса кўкрак сути орқали болага ўтади.

Аскаридалар узунлиги 15-40 сантиметр келадиган юмалоқ чувалчанглардир, улар ингичка ичакларда яшайди. Аскарида тухумлари ахлат билан бирга ичакдан ташқарига чиқади ва тупроқда ривожланади.

Бу гижжалар кўпинча тупроқдан, ювилмаган сабзавот ва мевалардан ўтади. Беморнинг иштаҳаси пасайиб, кўнгли айниб туради, уйқуси бузилади, тажангланади, баъзан ичи кетиб, қорнида оғриқ туради. Шифокорларнинг кузатишларича, ёш болалар инжиқ, паришонхотир бўлиб қолиши мумкин. Мактаб ёшидаги болаларнинг эса жисмоний ва ақлий ривожланиши кечикади, хотираси сусайиб, узлаштириш қобилияти пасайиб қолади, катталарда меҳнат қобилияти бузилади. Калта гижжалар бўйи 3-5 сантиметрча бўлиб, улар одамга гижжа тухумлари билан ифлосланган рузғор буюмлари, эшик бандлари, ҳожатхона стулчалари, тувак ва бошқалардан ўтади. Эхинококк ҳайвонлар, аксар ҳолларда итлар ичагида яшайди. У одамларга сигир, қўй, чўчқа, ит ва мушуклардан, шунингдек, ёввойи этхўр ҳайвонларнинг терисини шилиш ва ошлаш вақтида юқади. Эхинококкоз оғир касаллик бўлиб, жигар, ўпка, мия каби органларда эхинококк кислоталари пайдо бўлади. Эхинококкозда бош оғриб, айланади, ҳаракатланиш ва сезиш фаолияти бузилади. Мақоламиз сўнгида одам ўзига ўзи гижжа касалликларини юқтирмаслик учун ёки даволашда амал қиладиган мутахассис олим ва шифокорларимизнинг тавсия масалаҳатларини эслатиб ўтмоқчимиз:

1. Барча шахсий гигиена қонун-қоидаларига ва даволаш режимига амал қилиш керак. Жумладан, овқат олдидан ва ҳожатхонага бориб келгач, қўлларни совунлаб ювиш, баданни озода тутиш, ички кийим ва чойшаб, урин-кўрпа жилдларини тез-тез алмаштириб туриш керак.

2. Гўшт, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар ветеринария – санитария назоратидан ўтказилиши шарт. Гўштларни тоза ювиб, яхши қовуриб ёки пишириб ейиш тавсия этилади.

3. Уй ҳайвонларини парвариш қилиш қоидаларига амал қилиш керак. Болаларнинг кўчадаги дайди итлар, мушуклар билан ўйнашига йўл қўймаслик лозим.

4. Сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотларни истеъмол қилишдан олдин қайнатилган сувда яхши ювиш керак.

5. Острицалар булса, махсус кийим кийиб ухлаб ва уларни ҳар куни қайнатиб, иссиқ дазмол билан дазмоллаб туриш керак.

6. Ҳожатга бориб келгач, ҳамда уйқу олдидан ва уйқудан кейин орқа чиқарув тешик атрофини ювиб туриш ва унга вазелин суртиб қўйиш тавсия этилади.

7. Вақти-вақти билан бино, хонани яхшилаб супуриб-йигиштириш, идиш-товоқларни, уйинчоқларни ювиш, мебелни артиш, айниқса, ҳожатхоналарни ва тувакларни дезинфекция қилиш шарт.

8. Ота-оналар ҳамда муассаса ходимлари билан махсус ва такрор-такрор суҳбатлар ўтказиб, гижжаларнинг юқиш йўллари ва бунинг олдини олиш усулларини тўғри ва тўла билиб олишларига эришиш керак.

9. Гельминтозларга хос белгилар пайдо бўлганда, албатта, шифокорга мурожаат қилиш керак. Гижжа касалликларини ўзини ўзи ҳар хил билиб-билмас доривор воситалари ва усуллари билан даволаш тавсия этилмайди. Бу айрим асоратларга олиб келиши мумкин.

10. Ичи келиб-келмайдиган ва бошқа хасталикли кишилар, болаларни гельминтоз касалликлари бор-йўқлиги текширилиши керак.

11. Лимон истеъмол қилиш тавсия этилади.

12. Бемор саримсоқни сутда қайнатиб ичиб туриши керак.

13. Оч қоринга ошқовоқ уруғини саримсоқ билан истеъмол қилиш керак.

14. Шакар ёки асал билан аралаштирилган сабзи шарбатини оч қоринга кунига 1-2 ошқошиқда ичиб юриш лозим.

15. Уч ош қошиқ сабзининг бўтқасини бир стакан сутда қайнатиб бир ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади.

16. Шувоқ, саримсоқ дамламасидан клизма қилиш керак.

Юқоридаги маслаҳатларга амал қилсангиз фақат ютасиз. Касалликнинг олдини олиш ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Sog'lom avlod uchun

Яккасарой туманидаги 160-мактаб томонидан Неъматов Исломбек Пулатович номига берилган OZ – E034471 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультети жамоаси шу факультет доценти Нуъмонжон Мамадалиевга онаси
Патилахон МАМАДАЛИЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ тарих факультети «Узбекистон тарихи» кафедраси доценти
Малика Маликовна САГАТОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Акмал Икромов туманидаги 81-мактаб жамоаси мактаб ўқитувчиси, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи
Тошвой КАРИМОВ
вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58.

Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501. Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-21.15.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади